

ЎЗБЕКИСТОН — ИТАЛИЯ: ОЛИЙ ДАРАЖАДАГИ УЧРАШУВЛАРДА ЭРИШИЛГАН КЕЛИШУВЛАР ИЗЧИЛ АМАЛГА ОШИРИЛАЁТГАНИ МАМНУНИЯТ БИЛАН ҚАЙД ЭТИЛДИ

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг таклифига биноан Италия Республикаси Бош вазири Жоржа Мелони 28-29 май кунлари расмий ташриф билан мамлакатимизда бўлди.



Самарқанд мезбонлигидаги ташрифнинг асосий тадбирлари 29 май куни ўтказилди.

Самарқанд шаҳридаги Конгресс марказида Италия Республикаси Бош вазирини расмий кутиб олиш маросими бўлди.

Марказ олдидаги майдонда фахрий қоровул саф тортиди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев олий мартабали меҳмонни самимий қарши олиб, шоҳсўпага таклиф этди.

Ҳарбий оркестр икки давлат мадҳияларини ижро этди. Етакчилар фахрий қоровул сафи олдидан ўтиб, расмий делегациялар аъзоларини қутлади.

Шундан сўнг Конгресс марказида Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев ва Италия Республикаси Бош вазири Жоржа Мелонининг юзма-юз ҳамда расмий делегациялар иштирокидаги музокаралари бўлиб ўтди.

Икки томонлама стратегик шериклик муносабатларини янада ривожлантириш ва кўп қиррали ҳамкорликни кенгайтириш масалалари кўриб чиқилди.

2023 йил июнь ойида Рим шаҳрида ўтган олий даражадаги учрашувларда эришилган келишувлар изчил амалга оширилаётгани мамнуният билан қайд этилди.

Кейинги йилларда товар айирбошлаш ҳажми, шу жумладан, етказиб берилаётган махсулотлар турининг кенгайгани ҳисоби-га қарийб уч баробар ошди.

Қўшма корхона ва лойиҳалар сони икки баробар кўпайди. Италиянинг етакчи компаниялари билан металлургия, электротехника, қишлоқ хўжалиги, чорвачилик, туризм ва бошқа соҳаларда ўзаро манфаатли кооперация йўлга қўйилган.

Ўзбекистон делегацияси Венециядаги биенналеда фаол иштирок этди, Флоренцияда кўргазма ўтказилди. Ўтган

йил декабрь ойида Рим ва Виарежо шаҳарларида Ўзбекистон маданияти кунлари бўлиб ўтди.

Мамлакатимизда Турин ва Пиза университетларининг филиаллари муваффақиятли фаолият юритмоқда. Апрель ойида ректорларнинг иккинчи форуми самарали ўтди.

Томонлар фаол сиёсий алмашинуви давом эттиришни қўллаб-қувватладилар.

Жорий йил апрель ойида Самарқандда ўтган самарали саммитга мувофиқ Европа Иттифоқи институтилари билан фаол ҳамкорлик давом эттирилади. Амалий натижаларга эътибор қаратган ҳолда “Марказий Осиё — Италия” саммитини ўтказиш муҳмиллиги таъкидланди.

Савдо соҳасида бизнесга техник кўмак дастурларини кенгайтиришга келишиб олинди. Европа Иттифоқи бозорига чиқиш учун ўзбекистонлик экспортчиларни ўқитиш, Тошкентда қўшма Сертификатлаш

марказини ташкил этиш, Мувофиқликни баҳолаш тўғрисидаги битимни қабул қилишни тезлаштириш шулар жумласидан.

Давлатимиз раҳбари Италиянинг етакчи компаниялари билан Технологик шериклик дастурини ишга туширишни таклиф қилди.

Хусусий тадбиркорликнинг инновацион лойиҳалари, ўта муҳим минераллар ва қишлоқ хўжалиги хомашёсини чуқур қайта ишлаш, автомобилсозлик учун бутловчи қисмлар, электротехника, энергетика, озиқ-овқат, фармацевтика, қурилиш саноатида юқори технологияли махсулотлар ишлаб чиқариш, тўқимачилик, чарм, мебелсозлик ва бошқа тармоқлар учун дизайн марказларини ташкил этиш устувор йўналишлар сифатида қайд этилди.

Бундай лойиҳалар Европа оператори бошқарувида Тошкент вилоятида ташкил этиладиган саноат паркида жойлаштирилиши мумкин.

Лойиҳаларни қўллаб-қувватлашнинг янги механизмларини ишга тушириш учун қўшма инвестиция жамғармасини ташкил этиш, шунингдек, Италиянинг “SACE” ва “SIMEST” давлат агентликларини жалб қилиш масаласи кўриб чиқилди.

Комплекс “йўл харитаси” асосида қишлоқ хўжалигида кенг қўламли илмий-технологик ҳамкорликни ривожлантиришга алоҳида эътибор қаратилди. Узум, зайтун, заъфарон, сарсабил етиштириш, агролабораториялар ташкил этиш, биотехнологияларни ривожлантириш ва агросуғуртани жорий қилиш бўйича кооперация истиқболлари қайд этилди.

Янги лойиҳаларни илгари суриш мақсадида Ҳукуматлараро гуруҳ ишини қайта тиклаш ва унинг йигилишини бизнес форуми билан бирга ўтказишга келишиб олинди.

Ўзбекистон ва Италия ҳудудлари ўртасидаги шериклик муносабатларини кенгайтириш доирасида Ломбардия губернатори Аттілио Фонтана ташрифи ва биринчи Худудлар форуми доирасида амалий натижаларга эришиш муҳим экани таъкидланди.

Таълим соҳасида мамлакатимизда Тушиа университетини филиалини, Пиза, Тренто, Рома Тре ва Ка-Фоскари университетлари билан икки томонлама диплом дастурларини ишга тушириш режалари қўллаб-қувватланди.

Ўзбекистонда Италия маданияти кунларини ўтказишга келишиб олинди.

Ташриф доирасида меҳнат миграцияси соҳасида тизимли ҳамкорликни йўлга қўйишга қаратилган битим имзолангани мамнуният билан қайд этилди.

Учрашув якунида эришилган келишувларни амалга ошириш бўйича комплекс “йўл харитаси”ни тайёрлаш тўғрисида қарор қабул қилинди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев ва Италия Республикаси Бош вазири Жоржа Мелони Стратегик шериклик муносабатларини мустаҳкамлаш тўғрисидаги қўшма декларацияни қабул қилдилар.

Улар ҳузурида ташриф доирасида имзоланган, жумладан:

- инвестицияларни рағбатлантириш ва ўзаро химоя қилиш тўғрисида;
- стратегик аҳамиятга эга хомашё соҳасида ҳамкорлик тўғрисида;
- миграция ва ҳаракатланиш эркинлиги соҳасида ҳамкорлик тўғрисида;
- барқарор ривожланиш ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш, шунингдек, маданий меросни сақлаш соҳаларида ҳамкорлик тўғрисида;
- Иқлим жамғармаси ва Италия қишлоқ хўжалиги конфедерацияси билан ҳамкорлик, “Sogesid” ва “Ansaldo” компаниялари билан “яшил” ривожланиш соҳасида ҳамкорлик тўғрисида;
- Тушиа, Пиза ва Турин университетлари билан шериклик тўғрисидаги икки томонлама битимларни алмашиш маросими ҳам ўтказилди.

Шунингдек, расмий ташриф доирасида Италия Миллий тадқиқотлар маркази, “SIMEST” ва “Danieli” компаниялари, Перуза университети ҳамда бошқа ташкилотлар билан қатор ҳужжатлар имзоланди.

Олий даражадаги Ўзбекистон — Италия музокаралари якунлангач, Самарқанд шаҳридаги кўчага Рим шаҳри номини беришга бағишланган тантанали маросим ўтказилди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев ушбу қарор чуқур тарихий ва маданий алоқалар, стратегик шериклик муносабатларининг ҳозирги юксак даражасини инobatга олган ҳолда, шунингдек, Ўзбекистон ва Италия халқлари ўртасидаги дўстлик ва ўзаро ҳурмат рамзи сифатида қабул қилинганини таъкидлади.

Шундан сўнг Шавкат Мирзиёев ва Жоржа Мелони Конгресс марказида

ташкил этилган “Ўзбекистон ва Италия: цивилизациялар мулоқоти” кўргазмасини томоша қилдилар.

Ноёб экспозиция икки мамлакат ўртасидаги чуқур тарихий, илмий ва маданий алоқаларга бағишланган. У “Рим ва Кушон империяларининг савдо муносабатлари”, “Биринчи Ўйғониш даври”, “Марко Поло”, “Амир Темур”, “Мирзо Улуғбек” ва “Заҳриддин Муҳаммад Бобур”, “XIX асрда Ўзбекистондаги италияликлар”, “Иккинчи жаҳон урушида ўзбекистонликларнинг Италияни озод қилишга қўшган ҳиссаси”, “Ўзбекистон ва Италия: маданий меросни асраш” каби 9 та мавзули бўлимдан ташкил топган.

Меҳмонларга Афросиёбнинг “Самарқанд ҳукмдори томонидан элчиларни қабул қилиш маросими” номли деворий суратнинг машҳур италиялик уста Мауро Пеллицонни томонидан Флоренция мозаикаси услубида ишланган ноёб нусхаси намойиш этилди.

Шунингдек, етакчилар турли тарихий ёдгорликлар, график тасвирлар, қўлёзма ва миниатюралар, нодир адабий нашрлар, ҳайкаллар, архив суратлари ва ҳужжатлари билан танишдилар.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев ва Италия Бош вазири Жоржа Мелони Конгресс маркази хибонидида биргаликда эман экдилар.

Маросим икки мамлакат халқларининг дўстлиги, Ўзбекистон — Италия стратегик шериклик муносабатларини янада ривожлантириш ва мустаҳкамлашга бўлган қатъий интилишининг рамзи бўлди.

Шу билан Италия Бош вазири Жоржа Мелонининг юртимизга ташрифи якунланди.

Мақсур ташриф Ўзбекистон ва Италия ўртасидаги тарихий яқин алоқаларни ва стратегик шериклик муносабатларини янада мустаҳкамлаш, олий даражадаги музокаралар чоғида эришилган келишувларни амалга оширишда янги босқични бошлаб бериши шубҳасиз.

Зиёдулла ЖОНИБЕКОВ,
Иқром АБВАЛБОВЕВ,
Ғолиб ҲАСАНОВ,
ЎЗА махсус мухбирлари

Ўзбекистон Республикаси Президенти
Матбуот хизмати сурати.

ЎЗБЕКИСТОН ПРЕЗИДЕНТИ “МАРКАЗИЙ ОСИЁ — ИТАЛИЯ” САММИТИДА ИШТИРОК ЭТАДИ

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев Қозоғистон Республикаси Президенти Қосим-Жомарт Тоқаевнинг таклифига биноан 30 май куни Остона шаҳрида бўлиб ўтадиган “Марказий Осиё — Италия” форматидаги олий даражадаги саммитда иштирок этади.

Тадбирда минтақа мамлакатлари етакчилари ва Италия Бош вазири иштирок этиши кўзда тутилган.

Кун тартибига мувофиқ, кўп қиррали ҳамкорликни, энг аввало, “яшил

иқтисодиёт”, инвестициялар, инновациялар, фан ва таълим соҳаларида янада ривожлантириш масалалари кўриб чиқилади.

ЎЗА

ЎЗБЕКИСТОН ИТАЛИЯНИНГ МАРКАЗИЙ ОСИЁДАГИ АСОСИЙ ҲАМКОРИ

ОЛИЙ ДАРАЖАДАГИ САМАРҚАНД САММИТИ ЯКУНЛАРИГА ХОРИЖДАН МУНОСАБАТЛАР

Италия Бош вазири Жоржа Мелонининг 28-29-май кунлари Ўзбекистонга ташрифи Рим ва Тошкент ўртасидаги икки томонлама муносабатлар ривожидида муҳим босқич, шунингдек, Италия ва Марказий Осиё мамлакатлари ўртасидаги мулоқотни чуқурлаштириш доирасидаги муҳим воқеа бўлди.

Асосий тадбирлар минтақанинг халқаро ҳамкорлик учун тарихий маркази бўлган Самарқанд шаҳрида бўлиб ўтди.

► Давоми 2-бетда

“МАРКАЗИЙ ОСИЁ — ИТАЛИЯ” ДАВЛАТ РАҲБАРЛАРИ САММИТИ УМУМИЙ МАНФААТЛАРГА АСОСЛАНГАН КўП ТОМОНЛАМА ҲАМКОРЛИК ПЛАТФОРМАСИ

Президент Шавкат Мирзиёев 30 май куни Қозоғистон пойтахтида бўлиб ўтадиган олий даражадаги “Марказий Осиё — Италия” учрашувида иштирок этади.

Қозоғистон Президенти Қасим-Жомарт Тоқаев раислигида бўлиб ўтадиган учрашувда Италия Бош вазири Жоржа Мелони ва минтақамиздаги барча бешта давлат раҳбарлари қатнашади.

Бўлажак саммитнинг аҳамияти ҳақида гапирилган, замонавий дунёда жаҳон тартиби ўзгариши фонида Марказий Осиё нафақат минтақавий, балки глобал барқарорлик нуқтан назаридан ҳам ҳақли равишда асосий стратегия ва жадал ривожланаётган кўп томонлама марказ макомига эга бўлаётганини таъкидлаш керак. Бунинг Европанинг етакчи давлатларининг минтақага, жумладан, Марказий Осиёга бўлажак Евроосиё барқарорлиги архитектурасининг муҳим элементи сифатида қарайдиган Италиянинг доимий эътибори тасдиқланди.

Италия “Марказий Осиё плюс” форматига қўшилган ва уни ўзининг ташқи сиёсатидаги устуворликларига мослаштирган биринчи Европа Иттифоқи давлати бўлди. Аънавий икки томонлама музокаралардан фарқли ўлароқ, ушбу формат минтақанинг барча бешта давлатини Италия билан умумий кун тартиби орқали бирлаштиради. Бу қадам сазй-ҳаракатларни ўзаро

ҳамкорликнинг муайян каналларига ажратмасдан, кенг қўламли масалаларни самарали мувофиқлаштириш имконини берувчи мунтазам мулоқотга асос солди.

“Италия — Марказий Осиё” биринчи конференцияси 2019 йил декабрь ойида Римда Италия ташқи ишлар вазири Луижиди Ди Майо ташаббуси бўлиб ўтказилган эди. Рим бир вақтнинг ўзида Марказий Осиё давлатларидан бешта делегация ва Европа Иттифоқи вакилларини таклиф этиб, сиёсат, иқтисодиёт, фан ва маданиятни бирлаштирувчи кенг қамровли мулоқот ўтказишга тайёрлигини намойиш этди.

Учрашувнинг давомийлиги 2021 йил декабрь ойида ТИВ раҳбарларининг Тошкентдаги учрашуви билан янада мустаҳкамланди. Тадбирнинг очилиш қисмида ҳамкорлик формати ўзининг долзарблиги ва амалий фойдасини исботлаганини таъкидланган. Анжуманларни икки йилда бир марта навбатда-навбат Италияда ва Марказий Осиё пойтахтларидан бирида ўтказиш тўғрисидаги келишув форматдаги мунтазамлик ҳамда изчиллигини таъминлади.

► Давоми 2-бетда



ТАФАККУРИМИЗДА “ЯШИЛ ЧИРОҚ” ЁНДИН

Инсоният узок вақт сукут сақлади. Бу ерда “сукут” жумласи зинҳор тараққиётга дахлдор эмас. Зотан, бугун ана шу тараққиёт меваларидан барчамиз баҳрамандмиз. Ақл-заковат маҳсули бўлмиш энг замонавий, энг илғор технологиялар ҳар куни, ҳар соатда хизматимизда. Ҳатто бугун ангиллик бўлган бирор ихтиро эртага эскириб қоляпти. Шиддатли, тараққиётнинг энг юқори чўққисига чиқаётган замонавий дунёнинг бу каби ишларига қойил қолмай иложимиз йўқ. Ақлимиз шошиб, баъзан ҳайратимиз ошади.

► Давоми 3-бетда



www.yuz.uz



yuz.uznews



yuz_official



yuz.uz_news



yuz

ЎЗБЕКИСТОН ИТАЛИЯНИНГ МАРКАЗИЙ ОСИЁДАГИ АСОСИЙ ҲАМКОРИ

ОЛИЙ ДАРАЖАДАГИ САМАРҚАНД САММИТИ ЯКУНЛАРИГА ХОРИЖДАН МУНОСАБАТЛАР

Бошланиши 1-бетда

Экспертларнинг таъкидлашича, Жоржа Мелони минтақадаги расмий ташири учун биринчи давлат сифатида Ўзбекистонни танлагани Тошкентнинг Марказий Осиёдаги асосий ҳамкор сифатидаги



Антонио АЛОНЗО,
Сан-Пабло университети Ижтимоий тадқиқотлар институти профессори (Испания):

— Ушбу ташир мураккаб дунёда ўзаро тинч ҳамкорлик ва фаровонликка умид уйғотди. Унинг асосий мақсоди нафақат Тошкент ва Рим ўртасидаги ҳамкорликни чуқурлаштириш ва кенгайтириш, балки Италия томонидан Президент Шавкат Мирзиёевнинг муҳим ишловларини қўллаб-қувватлашнинг тасдиғидир.

Шу билан бирга, Жоржа Мелони нафақат Италияни, балки Европа Иттифоқининг ҳам муҳим овози эканини унутмаслик керак. Италия ўз иқтисодиёти ва Жоржа Мелони Бош вазир сифатида ўйнаган роли тўғрисида Европа Иттифоқининг етакчиларидан биридир.

Самарқанддаги Конгресс марказида бўлиб ўтган музокаралар Ўзбекистон —

алоҳида ўрнидан дарак беради. Бу, шунингдек, ҳар икки томоннинг фаол сиёсий мулоқотга киришиши, иқтисодий алоқаларни кенгайтириш, минтақавий ва глобал кун тартибидеги долзарб масалалар бўйича сиёсий-ҳаракатларни мувофиқлаштириш истагидан далолатдир.

Италия стратегик шериклик муносабатлари юксак даражада эканини тасдиқлади.

Самарали мулоқот давомида томонлар Европа Иттифоқи институтлари билан ҳамкорликни кучайтириш ва “Марказий Осиё — Италия” саммитига фаол тайёрларлик кўришга келишиб олдилар.

Меҳнат миграцияси тўғрисидаги битим ва кенг қамровли “йўл харитаси”ни ишлаб чиқиш тўғрисидаги битим имзолангани икки давлатнинг нияти ва муносабатлари қанчалик жиддийлигини тасдиқлайди.

Шу нуқтаи назардан, Европа Иттифоқида Италия Венгрия, Франция ва Германия қаторида Марказий Осиё, жумладан, Ўзбекистон билан алоқаларини мустаҳкамлаш жараёнини фаол давом эттириётганини алоҳида таъкидлаш жоиз.

Мунтазам сиёсий мулоқотлар, ўзаро товар айирбошлаш ҳаммининг ўсиши — буларнинг барчаси яқинлашув учун сиёсий ирода мавжуд бўлса, маданий-географик масофалар муҳим роль ўйнамаслигининг яққол далилидир.

Хулоса ўрнида айтиш керакки, Италия Бош вазир Жоржа Мелонининг Ўзбекистонга ташири ва Самарқандда ўтказилган музокаралар икки давлат муносабатларида янги саҳифа очмоқда. Бу ҳар қандай қийинчиликларга қарамай, сиёсий ирода ва конструктив мулоқот орқали халқлар ўртасидаги дўстлик ҳамда ўзаро ҳамжиҳатликни мустаҳкамлашга хизмат қилувчи тасвирчан натижаларга эришиш мумкинлигини кўрсатади.

66

Ўзбекистоннинг ЕИ, жумладан, Италия билан кенг ҳамкорлиги йирик Евроосиё лойиҳалари доирасида Хитой ва Европа манфаатлари мутаносиб бўлиши мумкин бўлган уч томонлама ҳамкорлик имкониятларини очиб беради.



Ян ЧЭН,
Шанхай глобал бошқарув ва минтақавий тадқиқотлар академияси директори (Хитой):

— Италия Бош вазирининг Ўзбекистонга ташири Европа Иттифоқининг Марказий Осиёдаги сиёсий ва иқтисодий иштирокини кучайтириш йўлидаги муҳим қадам сифатида баҳоланмоқда. Европа Иттифоқининг етакчи давлатларидан бири раҳбарининг Самарқандга ташири Ўзбекистонга минтақадаги асосий ҳамкор сифатида халқаро қизиқиш ортиб бораётганини кўрсатиб, унинг ишончли ва мустақил иштирокчи сифатидаги мақомини тасдиқлайди.

Ташир мазмунли, жумладан, инвестиция, “яшил” энергетика, саноат кооперацияси, маданият ва таълим соҳаларидаги келишувларнинг имзоланиши ишловчиси Ўзбекистоннинг барқарорлиги ва очкилигини акс эттирувчи ижобий сигналдир.

Расмий Тошкентнинг Европа йўналиши Хитой билан стратегик шерикликни тўлдирадиган, кўп векторли сиёсатга содиқлигини алоҳида таъкидлаш лозим.

Шунингдек, Италия томонининг иқтисодий прагматизми ҳам алоҳида эътиборга лойиқ бўлиб, Италиянинг Ўзбекистонга қизиқиши стратегик шериклик характерида эга эканлигини намойиш этади. Ушбу ташир ЕИнинг минтақа билан ҳамкорликни анъанавий Евроатлантика таъсирдан ташқарида, айниқса, Евроосиё инфратузилмаси, энергетика ва логистика ресурслари учун ўсиб бораётган глобал рақобат шариотида чуқурлаштиришга қаратилган кенг сиёсатнинг бир қисмидир.

Ўзбекистоннинг ЕИ, жумладан, Италия билан кенг ҳамкорлиги йирик Евроосиё лойиҳалари доирасида Хитой ва Европа манфаатлари мутаносиб бўлиши мумкин бўлган уч томонлама ҳамкорлик имкониятларини очиб беради.

Умуман олганда, Италия Бош вазирининг ташири Ўзбекистоннинг минтақавий сиёсат ва жаҳон иқтисодиётидаги роли ортиб бораётганининг табиий натижаси сифатида баҳоланмоқда. Бу кўп томонлама муносабатларни мустаҳкамлашга ҳисса қўшади. Расмий Тошкентнинг геосиёсий салоҳиятини оширади ҳамда Хитой, Европа Иттифоқи ва Марказий Осиё мамлакатлари ўртасида, айниқса, барқарор ривожланиш, технология ва логистика соҳаларида қўшма ташаббуслар учун қўшимча ўсиш нуқталарини яратиши мумкин.

Осиёдан Европага қайта тикланадиган энергияни экспорт қилишга қаратилган ташаббус ҳисобланган “Яшил энергия коридори” лойиҳасини алоҳида таъкидламоқчиман. Лойиҳа бир қатор давлатлар, жумладан, Озарбайжон ва Ўзбекистонни Европа бозорига тоза электр энергиясини узатиш бўйича самарали инфратузилмани яратиш орқали ўз сайё-ҳаракатларини бирлаштиришга жалб қилади.

Ўзбекистон ва Озарбайжоннинг улкан салоҳиятини инобатга олган ҳолда, биргаликдаги сайё-ҳаракатлар орқали улар Европанинг энергия ўтиш жараёнининг йўналтирувчисига айланиши ва қитъани тоза, ишончли ва арзон энергия билан таъминлаши мумкин.

Бундай лойиҳалар, менимча, қардош Ўзбекистон ва Озарбайжонга иқлим ўзгаришига қарши курашиш бўйича глобал сайё-ҳаракатларга ҳисса қўиши имконини беради, бу Париж келишувни мақсадлари ва бошқа халқаро экологик мажбуриятларга мос келади.

Қолаверса, бутунги кунда халқаро молия институтлари қайта тикланадиган энергия манбаларига оид лойиҳаларга сармоя киритишга тайёр. Бу мамлакатларимиз учун энергия тизимлари ва инфратузилмасини ривожлантириш учун капитал жалб қилиш имкониятларини очиб беради.

Ильгар ВЕЛИЗАДЕ, Озарбайжонлик таниқли сиёсатшунос ва журналист:

— Давлатлараро муносабатларда олий даражадаги таширлар алмашинуви алоҳида аҳамиятга эга бўлиб, муносабатлар динамикасини яққол намоён этади.

Бугун кўплав давлатлар Ўзбекистоннинг Президент Шавкат Мирзиёев раҳнамолигидаги халқаро муносабатлар тизимидаги фаол ўрни ва прагматик ташқи сиёсатини юксак баҳолаб, ушбу мамлакат билан турли соҳаларда алоқаларни ривожлантиришга катта аҳамият бермоқда.

Улар орасида Ўзбекистоннинг Жаҳон савдо ташкилотига аъзо бўлиши ва Европа Иттифоқи билан Кенгайтирилган шериклик тўғрисидаги битимни тузиш истагини қўллаб-қувватлаган Италия ҳам расмий Тошкентнинг жаҳон иқтисодиётига интеграциялашуви ва ЕИ билан яқинлашиш бўйича ташқи сиёсат курсини қўллаб-қувватлашини намойиш этди.

Шу боис, Бош вазир Жоржа Мелонининг Ўзбекистонга расмий таширини Италия ва Ўзбекистон ўртасидаги



стратегик шериклик муносабатлари мустақамланишининг давомий сифатида баҳолаш мумкин. Бу “қалин” кўп жиҳатдан Италия учун бутун Марказий Осиёни очиб беради.

Бундай шароитда Озарбайжон каби ишончли шерик ва нуфузли давлат қардош Ўзбекистон ҳам халқаро ташкилотлар доирасида самарали икки томонлама муносабатлар ва ўзаро манфаатли ҳамкорликка устуллик бериб, оқилона ва узоқни кўзлаб иш тутмоқда.

Ўзаро ҳамкорликнинг устувор йўналишлари нуқтаи назардан Ўзбекистон

Марказий Осиё минтақасида энергия таъминотини диверсификация қилиш ва иқтисодий алоқаларни мустаҳкамлаш бўйича ташаббусларни амалга оширишда Италиянинг асосий ҳамқари ҳисобланади. Шу нуқтаи назардан, анъанавий тарзда бир-бирини тўлдирининг юқори даражаси ва самарали ҳамкорликка йўналтирилганлиги билан ажралиб турадиган Озарбайжон — Италия муносабатларининг ҳозирги ҳолатини мисол қилиб келтириш мақсадга мувофиқ бўлади.

Токон МАМИТОВ, Киргизистон Президенти ҳузуридаги Стратегик ташаббуслар миллий институти илмий ҳодими, сиёсий фанлар доктори, профессор, таниқли сиёсатшунос:



— Ташир мамлакатлар ўртасидаги стратегик шериклик муносабатларини ривожлантиришда муҳим босқич бўлди. Бу нафақат олий даражадаги сиёсий ишончини намоён этади, балки кейинги йилларда сифат жиҳатидан янги босқичга кўтарилган ўзаро манфаатли ҳамкорликнинг барқарор динамикасини ҳам тасдиқлайди.

Мазкур ташир 2023 йилда Ўзбекистон Президентининг Италияга ва Италия Президентининг Ўзбекистонга таширларидан бошланган юқори даражадаги интенсив мулоқотни минтақавий давом эттирмоқда. Бу эришилган келишувларни амалга оширишга қўшимча суръат бағишлаб, сиёсий, иқтисодий, таълим ва маданият соҳаларида янги қўшма ташаббусларга замин яратяди.

Асосий эътибор, албатта, иқтисодиёт ва сармояга қаратилган. Сўнгги етти йилда мамлакатлар ўртасидаги товар айирбошлаш ҳажми 2,5 баробардан зиёд ошди. 2023 йилда имзоланган умумий қиймати 9,2 миллиард евро бўлган шартномалар Италия

бизнесининг Ўзбекистонга ишончи ва қизиқиши кўрсаткичи бўлди. Юқори технологиялар, агросаноат, энергетика, туризм, енгил саноат ва темир йўл транспорти ҳамкорликни чуқурлаштиришнинг истиқболли йўналишларидир.

Шунингдек, гуманитар ва таълим соҳасидаги ҳамкорликни ҳам алоҳида таъкидлаш лозим. Италия университетлари филиалларининг муваффақиятли фаолияти, ректорлар форумлари, маданий кўргазмалар, қўшма илмий тадбирлар ўтказилаётгани халқлар ўртасидаги алоқаларни мустаҳкамлашга мустаҳкам замин яратмоқда.

Италия Бош вазирининг ташири парламентларо мулоқотни, ҳудудлар ўртасидаги ҳамкорлигини, ёшлар ва спорт алмашинувларини чуқурлаштиришга ҳам катализатор бўлиб хизмат қилади.

Ўзбекистоннинг Марказий Осиёдаги стратегик мавқеини ҳисобга олган ҳолда Жоржа Мелонининг ташири нафақат икки томонлама кун тартиби, балки Европа Иттифоқининг бутун минтақа билан ўзаро ҳамкорлиги учун ҳам муҳим аҳамиятга эга.

Италия 2019 йилда вазирлар даражасида “Марказий Осиё — Италия” мулоқотини ўтказиш ташаббуси билан чиққан Европанинг биринчи давлати бўлди. Шу маънода, Рим Брюссель ва Тошкент ўртасидаги “кўприк” бўлиб, Европа платформасида минтақа манфаатларини илгари суришда фаол роль ўйнайди.

Албатта, ташир икки томонлама ҳамкорлик орқали Европа Иттифоқи ва Марказий Осиё алоқаларини мустаҳкамлаш контекстида стратегик қарашлар алмашинувиға ёрдам беради.

Италия Бош вазирининг Ўзбекистонга ташири нафақат дипломатик воқеа, балки барқарор ривожланиш, ўзаро ҳурмат ва манфаатли келажаққа йўналтирилган стратегик шерикликнинг етуқлик рамзидир. Бу яқинроқ, тизимли ва узоқ муддатли Ўзбекистон — Италия ҳамкорлиги йўлидаги янги қадам бўлади.

Шехрияр ХОН,

Миллий мулоқот форуми тахлил маркази ижрочи директори (Покистон):

— Италия Бош вазир Жоржа Мелонининг Ўзбекистонга расмий ташири ва Президент Шавкат Мирзиёев билан Самарқандда ўтказган музокараларини катта қизиқиш билан кузатдим. Ташир нафақат икки томонлама алоқаларни мустаҳкамлашга қаратилган сиёсий ироданинг ифодаси, балки Ўзбекистоннинг Евроосиё савдо, технологик алмашинуви ва барқарор ривожланиш тизимидаги стратегик аҳамияти ортиб бораётганининг кўзгуси бўлди.

Авалло, Бош вазир Жоржа Мелонининг Марказий Осиёга биринчи ташири учун Ўзбекистон танланганининг ўзи дипломатик ишора эканлигини таъкидламоқчиман. Италия нафақат иқтисодий ҳамкор, балки минтақавий жараёнларнинг иштирокчиси бўлишга қизиқиш билдирмоқда.

Стратегик шериклиги мустаҳкамлаш тўғрисидаги қўшма декларация ва кенг қўламли соҳаларни ўз ичига олган аниқ келишувлар тўпламининг имзолангани томонлар ниятлари қанчалик жиддий эканини ишончли далилидир. Бу икки давлат амалий мазмунга асосланган барқарор ҳамкорлик архитектурасини барпо этишга интилаётганидан далолат беради.

Ўзбекистонда технологик шериклик ва инновацион ишлаб чиқариш маҳаллилаштириш бўйича музокараларда алоҳида эътибор қаратилаётган масалаларни таъкидламоқчиман.

Бундан ташқари, ташир муҳим геониктисодий аҳамиятга эга. ЕИнинг барқарор таъминот йўналишлари ва муҳим ресурсларга қизиқиши ортиб бораётган бир шароитда Ўзбекистон нафақат логистика марказини, балки узоқ муддатли ҳамкорлик учун сиёсий барқарор платформани ҳам таклиф этади.

Умуман олганда, Италия Бош вазирининг Самарқандга ташири замонавий дипломатия нафақат сиёсат, балки энг аввало иқтисодиёт, технология, фан ва маданият эканлигининг ёрқин далили бўлди. Ўзбекистон бу жараёнда ишончли ҳамкор сифатида ҳаракат қилмоқда. Бу ташир нафақат Ўзбекистон билан Италия, балки Марказий Осиё ва бутун Европа Иттифоқи ўртасидаги алоқаларни янада чуқурлаштириш учун янги туртки бўлади.



66

Олий даражадаги учрашув 3-4 апрель кунлари Самарқандда бўлиб ўтган биринчи “Марказий Осиё — Европа Иттифоқи” саммитида илгари сурилган ташаббусларни амалга ошириш, хусусан, 12 миллиард евролик инвестиция пакетини ишлаб чиқишга ҳам қўшимча туртки бериши мумкин.

инвестициялар, саноат кооперацияси ҳақида ҳам кетмоқда. Айниқса, италан бизнесининг муҳофаа саноати, энергетика, машинасозлик ва агросаноат мажмуасидаги лойиҳаларга қизиқиши ортиб бораётгани диққатга сазовордир. Бу Италиянинг минтақанинг ишлаб чиқариш бўйича ихтисослашувини ўзгаришида иштирок этиш истагини кўрсатади.

Гуманитар соҳадаги ҳамкорлик яна бир муҳим устувор йўналишидир. Италия Ғарб ва минтақа ўртасида кўприк вазиасини ўтайди, тиббиёт, таълим ҳамда илм-фан соҳаларида тажриба алмашишга ёрдам беради. Учрашув давомида Пиза ва Миланддаги етакчи университетлар кадрларни биргаликда тайёрлаш, стажировкаларни ташкил этиш, барқарор ривожланиш ва ракамлаштириш бўйича илмий-техник форумлар ўтказиш тўғрисида баённомалар имзоланди.

Афғонистондаги бекарорлик ва етакчи давлатлар билан ўзаро ҳамкорлик форматларининг ўзгариши фониди Италия дипломатияси Марказий Осиё масалаларини ташқи сиёсат дастурига тобора кўпроқ киритмоқда. Италия вакиллари Марказий Осиё барқарорлиги мавҳум категория эмас, балки қўшни бекарор ҳудудлардан келаётган трансмиллий терроризм, наркотрафик ва бошқа таҳдидларни жиловлашнинг амалий шарти эканини таъкидлаётгани бежиз эмас.

ЕИнинг Марказий Осиё бўйича махсус вакиллари Петер Буриан ва Тойво Хакала-нинг иштироки Брюссель мулоқотни барча бешта давлатнинг сайё-ҳаракатлари ва манфаатларини бирлаштириш имконини берувчи стратегик аҳамиятга эга Европа лойиҳаси сифатида кўришини таъкидлади. Дипломатик ваколатхоналарнинг юқла-маси ортиб бораётганини инобатга олган ҳолда Италия ТИВнинг Марказий Осиё бўйича махсус вакили лавозими таъсис этилди. Мазкур лавозимга фахрий дипло-мат Жанлука Гранди тайинланди. Унинг ваколатига саммитларни мувофиқлашти-риш, бизнес миссияларини қўллаб-қув-ватлаш, илмий ва таълим форумларини ташкил этиш ҳамда тегишли таҳлилий органлар билан ҳамкорлик қилиш киряди.

Мулоқот, шунингдек, ягона платформани ифодалайди, унинг доирасида Марказий Осиё ажралмас кўп томонлама минтақа сифатида тан олинади. Шу муносабат билан расмий Рим минтақа давлатларининг хавфсиз ва барқарор ривожланишидан манфаатдор ҳамда доимий равишда умумевропа сиёсатини фаоллаштириш тарафдори.

Ўтган йиллар якунларини сарҳисоб қилар эканмиз, ишонч билан айтиш мумкин-ки, “Марказий Осиё — Италия” формати

ТАФАККУРИМИЗДА “ЯШИЛ ЧИРОҚ” ЁНСИН

Санжар ЭШМУРОВО, “Янги Ўзбекистон” мухбири

Бошланиши 1-бетда

Лекин инсоният ўн йиллар, балки асрлар мобайнида бир масалага, яъни атроф-муҳит, табиатни асраш, экологияга бу қадар эътибор қаратмади. Табиат неъматларига нотўғри муносабатда бўлди. Даррахтлар аёвсиз кесилди. Чиқиндилар ҳар жойга улоқтирилди. Сув ресурсларидан бесамар фойдаланилди. Натижада дунё миқёсида глобал иссиқ, озон қатлами емирилиши, курғоқчилик, атроф-муҳит ифлосланиши каби муаммолар пайдо бўлди.

Тўғри, муаммолар кўтарилган халқаро тадбирлар, анжуманлар, конференциялар бот-бот уюштириб турилди. Бу амалиёт ҳозир ҳам бор. Ҳатто экология, табиат, ер, сув, тупроққа оид халқаро аҳамиятга молик ҳужжатлар ташкил. Нуфузли халқаро ташкилотларнинг бу борадаги қаҳариқлар, ташаббуслари ҳам кулогимизга тез-тез чалиниб туради. Бирок негидир натижа сезиларли эмас. Узоққа бормай, яқинда кузатишган жазирама ортидан келган чангли шамолни бир ёслайлик.

Очиғи, терлаган юзига ёпишган чангли арта туриб, ҳаёлидан “бундай ҳолатлар кўпайиб кетмаяптими?” деган ўй ўтмаган инсон кам бўлса керак. Ҳа, сўнгги пайтларда бундай ҳолатлар анча кўпайди. Йилнинг исталган фаслида тўзон кўтарилишига, аномал иссиқ ёки совуққа тез-тез доғ келямиз. Табиат ҳодисаси дуненинг исталган жойида исталган вақтда рўй бериши мумкин. Муаммо ҳам шунда: экологик ўзгаришлар энди ҳеч бир шахс, ҳеч бир давлатни четлаб ўтмаяпти. Жумладан, бизни ҳам. Зотан, Орол фожияси билан узок йиллардан бери курашиб келаятган халқимиз бу муаммолар қандай оқибатларга олиб келишини теран англайди. Бу ҳақда Президентимиз жорий йил 4-5 апрель кунлари Самарқанд шаҳрида бўлиб ўтган халқаро иқлим форумида бундай деди: “Биз аллақачон инсониятнинг энг йирик фожияларидан бири — Орол денгизи қуриши оқибатларини бошдан кечирмоқдамиз”.

Дарҳақиқат, Орол денгизининг қуриши дунёдаги энг йирик экологик фожиялардан бири бўлди. У нафақат Ўзбекистон, балки минтақадаги барча давлат учун қатор экологик, ижтимоий-иқтисодий ва гуманитар муаммоларни келтириб чиқарди. Худуддан ҳавога кўтарилаётган зарарли туз зарралари Антарктида соҳиллари, Гренландия музликлари, Норвегия ўрмонлари ва Ер сайёрасининг бошқа жойлари ҳам етиб борди. Утган асрнинг 60-йилларида майдони ўртача 68,9 минг квадрат километр, сув ҳажми 1083 куб километр, узунлиги 426 километр, эни 284 километр, энг чуқур нуқтаси 68 метрни ташкил этган денгиздан йилга 35 минг тоннагача балиқ овланган. Маҳаллий аҳолининг катта қисми балиқ ва балиқ маҳсулотларини овлаш, қайта ишлаш, етказиб бериш билан шуғулланган.

Афсуски, балиқчилик ва бошқа тармоқлар тараққий этган денгиз ўрнида майдони 5,5 миллион гектарга тенг бўлган чўл — Оролқум пайдо бўлди. Денгиз тубидан кўтариладиган кум ва туз бўрони борган сари авж олди. Худуддан ҳар йили бир неча минг километр масофагача таркибида нафақат атроф-муҳит, балки инсон саломатлиги учун ўта зарарли бўлган 100 миллион тоннадан ортиқ кум, туз зарралари ва кимёвий бирикма қолдиқлари тарқала бошлади. Куриган денгиз ҳудуди бизга тегишли. Шу боис, Ўзбекистон аввалдан бу борада ташаббускор бўлиб келди. Мамлакатнинг атроф-муҳитни асраш, табиатни муҳофаза қилиш, экологияга оид тақлифлари кейинги йилларда анча фаоллашди. Айниқса, Президентимиз томонидан Орол денгизининг

қуриши натижасида минтақада юзага келган ижтимоий-иқтисодий ва экологик муаммоларни бартараф этишга жиддий эътибор қаратилаётгани “аср фожияси” кўламини кемайтиришга ҳисса қўшаётгани диққатга сазовор. Хусусан, давлатимиз раҳбари БМТ Бош Ассамблеясининг 72- ва 75-сессияларида Орол денгизи инқирози чегара билмайдиган глобал экологик муаммолардан бири эканини таъкидлаб, дунё ҳамжамиятини огоҳликка чақирди. Ана шундай сайёҳаракатлар натижаси ўлароқ, 2018 йилда БМТнинг Оролбўйи минтақаси учун инсон хавфсизлиги бўйича кўпшериқлик Траст фонди ташкил этилди.

Шунингдек, 2021 йилда БМТ Бош Ассамблеяси ялпи мажлисида Президентимиз тақлифига биноан Оролбўйи минтақасини экологик инновациялар ва технологиялар ҳудуди деб эълон қилиш тўғрисидаги махсус резолюция бир овоздан қабул қилинди. Булар — катта натижа.

Ўзбекистоннинг ушбу йўналишдаги ташаббуслари ичкаридан ташқарига

махсус платформага кириштириб, токи даррахтга айлангунча барча масъулиятни ўз бўйига оладиган бўлди. Давлат томонидан экофаол фуқароларни рағбатлантириш тизими яратилди. Бундай ислохотлар одамларда даррахт экиш орқали табиатни тиклашга иштиёқни кучайтиряпти.

Хусусан, 2025 йилнинг баҳорги мавсумида мамлакат бўйлаб жами 136 миллион туп даррахт ва бута қўчати экилди. Йил сўнгига қадар “Яшил макон” умуммиллий лойиҳаси ва “Менинг боғим” лойиҳаси доирасида 200 миллион туп даррахт ҳамда бута экилиши белгилаб қўйилган. Бундан ташқари, Орол денгизи тубида 100 минг гектар “яшил майдон” барпо этилиши ва Оролбўйи минтақасидаги ўрмонлар 2,1 миллион гектарга етказилиши режалаштирилган.

Бу ишлар ҳисобот учун кўр-кўрона қилинаётгани йўқ. Худудларнинг иқлим шароитидан келиб чиққан ҳолда унга мос қўчатлар ерга қадалмоқда. Масалан, Қорақалпоғистон Республикаси, Бухоро, Жиззах ва Қашқадарё вилоятларининг танланган ҳудудида шўр ва сувсизликка чидамли ўсимлик (галофит) боғлари ташкил этиляпти. Айрим ҳудудларда “ин-витро” лабораториялари фаолияти йўлга қўйилиб, худудларнинг табиий шароитига мос турлар етиштирилмоқда.

“Яшил макон” умуммиллий лойиҳаси доирасида кейинги беш йилда ҳар йили 200 миллион тупдан даррахт ва бута қўчати ҳамда қаламчасини экиш, республика ҳудудидаги яшиллик даражасини 30 фоизга етказиш мақсад қилинган.

Тешиқ кўзани сувга тўлдириб бўлмайди

Юқорида келтирилган рақам ва фактлардан тез орада мамлакатимизда яшил худудлар майдони кенгайишига ишонамиз. Аммо танганинг бошқа томони ҳам бор. Гап шундаки, кейинги йилларда даррахтларни

муносабатда бўлаётганлар кимлардиган ҳақли савол туғилади. Бундай инсонлар бор экан, юқоридаги сайёҳаракатлар тешиқ кўзани сув билан тўлдиришга уринишдай бўлиб қолади.

Шунинг учун ҳам экологик муаммоларни ҳал этиш учун, биринчи навбатда, юртдошларимизга вазиятнинг оғир оқибатларини аниқлашти, табиатга муҳаббатни кучайтириш, одамларнинг онгу тафаккури, дунёқарashi, экологик маданиятини шакллантириш лозим. Таъкидланганидек, халқнинг ўй-фикри, дунёқарashi ўзгармас экан, ҳеч бир ислохот кутилган самара бермайди.

Экологик маданият қадриятга айланиши шарт

Кўча-кўйда юрганда устимиздаги кийимга доғ тушмаслиги, чанг қўнмаслиги учун жон кийимамиз. Ҳеч қачон уйдаги бутун ашёни синдирмаймиз. Сабаби, ота-онамиз бола-

“Соҳада ўзгариш ва янгиланишлар, туб ислохотлар қилиниши мўлжалланмоқда. Талабалар ва ўқувчилар ўртасида “Янги даррахт — янги нафас” экочемпионати, ҳар ойда бир маротаба “Маҳаллани чиқиндидан холи ҳудудга айлантира-миз” шиори остида акциялар, ташвиқот тадбирлари ташкил этилади. Албатта, тизимли бу тадбирлар юртдошларимизда даррахт экиш, кўча-кўйдаги чиқиндиларни тозалаш бўйича одат шаклланишига хизмат қилади.

кесишга бир неча маротаба мораторий жорий қилинганга қарамай, йил сайин ноқонуний даррахт кесилиши, табиатга зарар етказишга оид жарималар ортиб берапти. Жумладан, Президентимизнинг 2021 йил 30 декабрдаги “Республикада кўкаламзорлаштириш ишларини жадаллаштириш, даррахтлар муҳофазасини янада самарали ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги фармонида кўра, давлат ўрмон фондига кирмайдиган даррахт ва буталарнинг қимматбаҳо навларини кесишга қўйилган мораторий муддатсиз даврга узайтирилди. 2024 йил 29 февралда қабул қилинган қонунга кўра, даррахтлар, буталар, бошқа ўсимлик ва ниҳолларни қонунга хилоф равишда кесиш, қўндалор қилиш, шикастлантириш, йўқ қилиш ёки бошқа жойга ноқонуний кўчириб ўтказганлик учун жарима миқдори 5 баробар оширилди. Бу чоралар натижа бераяпти, албатта, аммо вазият буткул ижобий тарафга ўзгарди деб бўлмайди. Жумладан, 2023 йилда 4190 та ҳуқуқбузарлик аниқланган бўлса, 2024 йилда 2891 та шундай ҳолат кузатилди. Шунингдек, 2025 йилнинг дастлабки 4 ойида даррахт кесиш билан боғлиқ 978 та ҳолат аниқланиб, қонуний тартибда жавобгарлик белгиланган. Йил бошидан буён 4000 га яқин ноқонуний чиқинди ташлаш ҳолати аниқланди.

Бу аниқланганлари, холос. Аслида, ҳол бундан ҳам ёмонроқ бўлиши мумкин. Юқорида экология муаммоси ҳаммани бирдек ташвишга солаётганини таъкидладик. Унда табиатга бундай эътиборсизлик ва аёвсиз

гимиздан бундай қилиш ёмон эканини уқтиради. Шунингдек, катталар кўп гапирмаслик, кўпол муомала қилмаслики таъкидлайди. Буларнинг бари кишида юриш-туриш, мулоқот маданиятини шакллантиради. Аммо кўп ҳолларда “ҳар жойга чиқинди улоқтирма”, “даррахт ва буталарни синдирма”, деб фарзандларимизни тергайвермаймиз. Қайтганга базан машинадан сув идишини ташлаб, “Бор, қўлингиди пакетни даррахт тагига қўй”, деб нотўғри ўрнак кўрсатамиз. Ўғил-қизларимизга кўчада юриш, мулоқот қилиш, ўқишда, ишда, жамоат жойларида ўзини тутишни ўргатамиз-у, табиатни ардоқлаш, атроф-муҳитни озода тутиш қоидаларини уқтиришни унутамиз. Аслида, экологик маданият ҳам инсонларнинг, маҳаллалар, шаҳарлар, давлатларнинг чиройига чирой қўшадиган, халқни, миллатни бошқалардан ажратиб турадиган эзгу фазилатлардан.

Масалан, япон халқи бу борада кўп маротаба бутун жаҳонга ўрнак кўрсатади. Биргина футбол бўйича жаҳон чемпионатларида япониялик мухлисларнинг стадионни бутунлай тозалаб, чиқиндиларини йиғиб, ўзи билан олиб кетиши дунё ақлини ҳайратда қолдиради. Уларнинг бу ишидан ҳайра ҳалқ ўрнак олса арийдми.

Ўзбек халқининг ҳам азалий урф-одат, қадриятларида экологик маданият акс этади. Масалан, сувни ифлос қилмаслик, фарзанд кўрганда даррахт экиш анъанаси, эрта бозорда ҳашар қилиш одати қадимдан табиат билан ҳамнафас эканимизни билдиради. Ё бўлмаса “бирни кессанг, ўрни эк”, “яқшидан боғ, ёмондан доғ қолади” каби нақллар ота-боболаримизнинг ҳаёт қонуниятига айланган. Аммо кейинги йилларда бу қадриятлардан анча узоқлашиб кетгандекмиз. Уларни тиклаш бугуннинг заруратиға айланди.

Хуллас, “Яшил макон”, “Менинг боғим” каби йирик лойиҳалардан кўзланган мақсадга эришиш учун, аввало, юртдошларимизнинг экологик маданиятини кучайтириш талаб этилади.

Утган йилларда бу йўналишда қатор зарурий чора-тадбирлар қўрилди. Хусусан, минтақада ягона бўлган Марказий Осиё атроф-муҳит ва иқлим ўзгаришини ўрганиш университети очилиши бу йўналишни илмий тадқиқ қилиш имконини бермоқда. Шунингдек, экофаоллик бўйича турли акциялар, марафон, спорт тадбирлари ҳамда маънавий-маърифий тадбирлар ўтказиб келинмоқда. Айни шу йўналишда турли конференциялар, тарғибот-ташвиқот ишлари олиб борилиши яхши натижа бераётганини қайд этиш жоиз.

РАҚАМЛИ ТЕХНОЛОГИЯЛАР ДАВРИ: КЕЛАЖАККА ҲУҚУҚИЙ НАЗАР

“Ўзбекистон — 2030” стратегиясида рақамли технологияларни ривожлантирган ҳолда мамлакатимизни минтақавий IT хабга айлантириш учун қатор вазифалар белгиланган. Ахборот технологиялари хизматлари ва дастурий маҳсулотлар экспорти қиймати 5 миллиард долларга етказиш мақсади шулар жумласидан.

Бунинг учун ҳудудларда IT инфратузил-ма ҳамда венчур бозорини ривожлантириш, “local to global” тамойили орқали маҳаллий корхоналарни экспортга олиб чиқиш, юрти-мизда халқаро компаниялар офисини очиш каби кўплаб чора-тадбирлар кўзда тутилган.

Бугун юксак технологик тараққиёт жа-раёнида инсон манфаатлари ва адолат тамо-йилларига амал қилиш, самарали ҳуқуқий механизмлари яратиш, рақамли суверени-тетни таъминлаш бўйича халқаро ҳамкор-ликни ҳар томонлама кучайтиришни давр-нинг ўзи тақозо қилмоқда.

Технологиялар ва виртуал муносабатлар шиддат билан ҳаётимизга кириб келаятган бутунги кунда сунъий интеллект каби тараққи-ётнинг энг илгор ютуқларидан умумбашари-ят манфаатлари йўлида оқилона ва самарали фойдаланиш энг мақбул ечимдир.

Мамлакатимизда рақамли технологиялар ёрдамида давлат бошқаруви модернизацияси ва давлат хизматларини электронлаштириш, очкилик ва шаффофликни таъминлаш ҳисо-бига “хизмат кўрсатувчи давлат” тамойили-ни рўёбга чиқаришга катта эътибор берил-моқда.

Хусусан, Президентимизнинг “Сунъий ин-теллект технологияларини 2030 йилга қадар ривожлантириш стратегиясини тасдиқлаш тўғрисида”ги қарори қабул қилинди ҳамда онлайн режимида ишловчи платформалар ва интеграциялашган билимлар базалари ишга туширилди. Стратегияда сунъий интеллект технологияларини 2030 йилга қадар ривож-лантириш бўйича эришиш лозим бўлган мақ-садли кўрсаткичлар белгилаб берилди.

Кунин кеча пойтахтдаги рақамли давр-да ҳуқуқ тизими ислохотига бағишланган нуфузли “Tashkent Law Spring” IV халқаро

юримдик форуми иш бошлади. 2019 йилдан буён ҳар икки йилда ташкил этиладиган мазкур форум ҳуқуқ соҳасидаги энг йирик халқаро мулоқот майдонларидан бирига ай-ланган.

Бу йилги тадбирнинг асосий мавзуси “Рақамли технологиялар даври: келажакка ҳуқуқий назар” бўлиб, жаҳон юридик ҳам-жамиятини рақамлаштириш жараёнидаги янги таҳдид ва имкониятларни муҳокама қи-лишга қаратилган.

Давлатимиз раҳбарининг “Tashkent Law Spring” тўртинчи халқаро юридик форуми иштирокчиларига йўллаган табригидagi “Шахсий дахлсизлик ҳуқуқи ва тараққиёт эҳтиёжлари ўртасида нозик мувозанатни топиш, интеллектуал мулк ҳимояси, соҳада қулай инвестициявий муҳитни таъминлаш, шунингдек, янги воқелик — “рақамли дунё” шароитида давлатларнинг ҳуқуқий транс-формация жараёнларида муваффақиятли ўтиши, айниқса, сунъий интеллект соҳасида тизимли ҳамкорликни кучайтириш ва ундан фойдаланиш этикаси бўйича намунавий қои-далар ишлаб чиқиш устувор аҳамиятта эга-дир. Ўшбу инновацион ҳуқуқий асос мазкур соҳани самарали тартибга солишда барча давлатлар учун ўзига хос намуна бўлиб хиз-мат қилиши шубҳасиз.

Форумда ана шу муҳим жиҳатларни алоҳида ҳисобга олиб, энг долзарб маса-лалар муҳокама қилиниши ҳамда амалий тақлиф ҳамда ташаббуслар ишлаб чиқи-лиши рақамли келажакнинг мустаҳкам пойде-ворини яратиш ва рақамли трансформация йўлида яна бир муҳим қадам бўлади”, деган сўзлари мазкур форумнинг бутун нақадар долзарб аҳамиятта эга эканини яна бир бор тасдиқлайди.



Форумда 1000 дан ортиқ, жумладан, 150 га яқин хорижий спикер ва расмийлар, 40 дан ортиқ давлат ва халқаро ташкилотлар вакил-лари, хусусан, Саудия Арабистони, БАА, Покистон, Россия, Озарбайжон, Қирғизис-тон каби мамлакатларнинг адлия органла-ри раҳбарлари, Сингапур бош прокурори, шунингдек, “Жаҳон одил судлов лойиҳаси” ижрочи директори иштирок этмоқда.

Йирик халқаро анжуман доирасида 20 га яқин тадбир, жумладан, пленар сессия, маҳо-рат дарслари, давра суҳбатлари, 4 та кўргаз-ма, шунингдек, илк бор Халқаро ёшлар юри-дик форуми ҳам ўтказилади.

Тадбирларда сунъий интеллект, IoT, Big Data, блокчейн каби замонавий техноло-гияларнинг ҳуқуқий тизимга таъсири, элек-трон ҳукумат, рақамли нотариат, юридик таълимдаги инкилобий янгиланишлар, ин-теллект мулкни ҳимоя қилиш, юридик

амалиётни рақамлаштириш каби мавзулар муҳокама қилинади.

— Энг муҳими, тадбирда ҳуқуқий жара-ёнларни автоматлаштириш, смарт шартно-маларни жорий этиш, киберхавфсизликни таъминлаш ҳамда рақамли медиация ва суд экспертизаси борасидаги илгор тажрибалар ўрганилади, — дейди адлия вазيري Акбар Тошқулов. — Ҳуқуқшунослар, олимлар, IT мутахассислари ўртасидаги ҳамкорлик сунъий интеллектни қонун ижодкорлиги ва ҳуқуқни қўллаш амалиётига интеграция қи-лиш масалалари атрофида тўғридан тўғри мулоқот ўрнатилиши учун имкон яратлади.

Анжуман доирасида илк бор Халқаро ёшлар юридик форуми ўтказилаётгани ҳам диққатга сазовор. Чунки бу соҳалар ри-вожини ёш авлоднинг фаол иштирокисиз тасаввур этиб бўлмайди. Зеро, навқирон ҳуқуқшуносларнинг инновацион ғояларини

қўллаб-қувватлаш ва уларни қонун ижодкор-лиги жараёнига кенг жалб этишда бундай са-марали мулоқот майдонларининг аҳамияти ғоят катта.

Аҳамиятлиси, форум ўзини ўзи қоплаш тамойили асосида, халқаро ҳамкорлар ва иштирокчилар ҳисобидан ташкил этил-моқда. Ортиқча молиявий маблағ анъанавий тарзда ижтимоий ва тиббий ёрдамга муҳтож шахсларни қўллаб-қувватлаш мақсадида хайрия жамғармаларига йўналтирилади. Жумладан, 2019 йилги форумдан ортан маблағ “Обод маҳалла” жамғармасига ўтқа-зилган эди.

Ўтган форумлар натижасида 14 та хал-қаро ҳамкорлик ҳужжати имзоланган, 48 та қонунчилик ташаббуси ишлаб чиқил-ган. 2025 йилги форумда ҳам қонунчиликини такомиллаштириш, ҳуқуқий ислохотларни қўқулаштириш, чет эл инвестицияларини жалб қилиш ва халқаро ҳамкорликни ривож-лантириш бўйича муҳим қарорлар қабул қи-линиши кутилмоқда.

Тадбир бевосита ҳуқуқий соҳада фаоли-ят юритувчи амалиётчилар, қонун чиқарув-чи органлар ва илмий тадқиқотчиларни бир мақсад — рақамлаштириш шароитида адо-лат, қонунийлик ва ҳуқуқий барқарорликни таъминлаш йўлида билаштиради.

Форумнинг муҳим жиҳати — унда те-хнологик инкилоблар натижасида ҳуқуқ соҳасида юзага келаятган муаммоларга халқаро ва хорижий мутахассислар то-монидан ечимлар тақлиф этилиши ва шу асосда Ўзбекистонда ҳуқуқий ислохотлар-ни янада тезлаштириш имконияти ярати-лишида намоён бўлади.

Тадбир иштирокчилари учун нафақат на-зарий, балки амалий жиҳатдан катта аҳами-ятга эга бўлган маҳорат дарсларида сунъий интеллект ёрдамида қонун ҳужжатларини таҳлил қилиш, онлайн арбитраж платфо-рмаларидан фойдаланиш, юридик технолат-формалар орқали ҳуқуқий хизмат кўрсатиш каби долзарб амалий ечимлар ўргатилади.

Айниқса, LegalTech стартаплар учун янги ҳамкорлик, инвестициялар жалб қилинади. Бу имкониятлар, ўз навбатида, Ўзбекистонда

юримдик хизматлар сифатини халқаро дара-жага олиб чиқишга имкон беради.

Шу билан бирга, форум доирасида ҳуқуқ-ни рақамлаштириш билан боғлиқ норма-ти ҳуқуқий базани такомиллаштириш юза-сидан тақлифлар тайёрланади. Жумладан, электрон имзоларнинг транснационал тан олинниши, рақамли нотариат институтлари-ни қонуний асосда ривожлантириш, интел-лектуал мулкни блокчейн технологиялари асосида рўйхатдан ўтказиш ва ҳимоя қилиш тартибини ҳуқуқий жиҳатдан мустаҳкам-лашга қаратилган ташаббуслар муҳокама қилинади. Шунингдек, сунъий интеллект ишлаб чиққан контент муаллифлиги маса-ласи форумда муҳокама этиладиган долзарб мавзулардан.

Ҳуқуқий таълим соҳаси ҳам форумда алоҳида эътибор марказида бўлади. Ўқув дастурларига LegalTech ва киберхавфсизлик каби янги ўқув дастурларини жорий этиш, юридик билим беришда симуляцион модел-лар ва виртуал реаллик технологияларидан фойдаланиш масалалари кенг муҳокама қи-линади. Бу Ўзбекистоннинг ҳуқуқий кадр-лар тайёрлаш тизимини дунё стандартларига мослаштиришда муҳим қадам бўлади.

Тадбирнинг яна бир муҳим жиҳати шун-даки, у орқали Ўзбекистон жаҳон юридик ҳамжамиятида ўзининг очиқ, ҳамкорликка тайёр ва ҳуқуқий жиҳатдан ривожланаётган давлат сифатидаги имижини мустаҳкамлаб бормоқда. Ҳамкорлар билан тўғридан тўғри мулоқот жараёнида нафақат норматив маса-лалар, балки глобал муаммолар, маълумот-лар хавфсизлиги, инсон ҳуқуқлари, экологик адолат ва рақамли инклюзивлик борасидаги ёндашувлар ҳам муҳокама қилинади.

Дунёда жадал кечаётган рақамли транс-формация жараёнига мослашишда ҳуқуқ тизими марказий ўрин тутди. Шундай экан, “Tashkent Law Spring” IV халқаро юридик форуми долзарб масалаларга ҳуқуқий ён-дашувни шакллантириш билан бирга қонун ижодкорлиги, амалиёт ва фан ўртасида мус-таҳкам алоқа ўрнатадиган инновацион май-дон сифатида ўз аҳамиятини янада ошириб бормоқда.

Форум якулилари бўйича ҳуқуқий транс-формация бўйича стратегик тавсиялар, илгор тажрибаларни ўзлаштириш ва янги қонунчилик ташаббусларини ишлаб чиқиш режалаштирилган. Тадбир доирасида қабул қилиниши кутилмаётган тавсия ва қўшма баё-нотлар, халқаро меморандум ва келишувлар мамлакатимизнинг ҳуқуқий модернизация жараёни янада тезлаштиради. Ҳуқуқшу-нослар, давлат хизматчилари ва сўбасатчилар учун инновация, тажриба ва ҳамкорлик плат-формаси вазифасини ўтайди.

Лутфулла СУВОНОВ,
“Янги Ўзбекистон” мухбири

Ислохотлар самараси

Бунёдкорлик
қўлами ортиши

Ишлаб чиқарувчилар
зиммасига катта масъулият
юклайди

Илс РАҲИМОВ,

“Ўзсаноатқурилишматериаллари” уюшмаси бошқаруви
раиси вазифасини бажарувчи

Мамлакатимиз бўйлаб кечаётган кенг қўламли бунёдкорлик жараёни қурилиш материаллари талабни кескин оширмоқда. Бу табиий, шу билан бирга, масъулиятли ҳолат. Нега? Чунки талабга мос маҳсулот етказиб беришнинг ўзи бўлмайди. Бунинг учун, аввало, замонавий ишлаб чиқариш қувватлари, янги технологиялар зарур.

Сўнгги йилларда айни шу жиҳатларга қаратилаётган эътибор туфайли нафақат йи-рик шаҳарларда, балки олис ҳудудларда ҳам янги, истиқболли лойиҳалар амалга оширил-моқда. Ишга замонавий ва инновацион ёнда-шув тармок ривожига катта туртки берапти. Буни Президентимиз қурилиш материал-лари саноатидаги ишлар ва асосий вазифа-ларга оид тақдимот билан танишини чоғида алоҳида таъкидлади.

Тадбирда сифат, таннарх ва қурилиш ма-данияти энг долзарб масала экани айтилди. Замонавий технология жорий этиб, маҳал-лий маҳсулотлар рақобатбардодлигини ошириш, юртимиздаги бунёдкорлик ишла-рида улардан кенроқ фойдаланиш вазифа-лари кўрсатиб ўтиди.

Жорий йилнинг биринчи чорағида мам-лакатимизда фаолият юритаётган тармок корхоналари томонидан жами 12,1 триллион сўмлик маҳсулот ишлаб чиқарилди. Иқти-содий ўсишга, асосан, ўтган йили янги кор-хоналар ишга туширилиши ва мавжуд қув-ватлардан самарали фойдаланиш ҳисобига эришилмоқда.

Умуман олганда, бу йил 50 триллион сўмлик маҳсулот ишлаб чиқарилиб, экспорт ҳажми 1,2 миллиард долларга етиши кутил-моқда.

Маҳаллийлаштириш дастури доирасида 4,4 триллион сўмлик маҳсулот ишлаб чиқа-рилади. Импоррт ўрнини босувчи газур-ланган керамогранит, базальтдан минерал тола, газобетон блоклар, гулгоғоз, безакли қурилиш ойнаси каби материалларни ишлаб чиқариш ўзлаштирилади.

Уй-жой, бино ҳамда иншоотлар қури-лиш иқтисодиётини ривожлантириб, ҳудудлар инфратузилмасини яхшилаш баробарида одамларга қулай яшаш шароити ва юқори кайфият беради. Шу маънода, қурилиш са-ноати ривожланиб бораётгани қувонарли.

Хозирги кунда тармоқда 10 мингга яқин корхона фаолият юритиб, маҳсулотлари билан хориж бозорларига ҳам чўқур кириб борапти. 2025-2026 йилларда ҳудудларда қиймати 3,6 миллиард долларлик 346 та лойиҳа амалга оширилиши ортидан 19,4 минг янги иш ўрни яратилишини инобатга олсак, бу борадаги на-тижалар янада юксалиб бораверади.

“Ўзбекистон — 2030” стратегияси

Яшил ҳудудлар уч карра кўпаяди

ТОШКЕНТ ШАҲРИ ВА УНИНГ АТРОФИДА БУНДАЙ
ҲУДУДЛАР 25 МИНГ ГЕКТАРГА ЕТКАЗИЛАДИ

Ушбу мақолани қорақалпоқ тилида ҳам ўқиш учун QR-кодни сканер қилинг!

Эскириб кетган икки-уч қаватли уй-лар, халқ тилида айтганда, “барак” бинолар бир пайтар муаммони вақтинча ҳал этиш мақсадида қурилган бўлса-да, амалда улар узоқ йиллардан буён хизматимизда эди. Бу уйларда ўнлаб йиллар давомида одамлар оғир шароитда яшашга мажбур бўлган ҳа-ётий ҳақиқатдир. Девордаги ёриқлар, қадам босганда қисқирлаб турадиган ёғоч поллар, чакка оқадиган томлар, ҳовлида жойлашган санитар хоналарда иссиқ сув ва марказий иситиш тизими йўқлиги, қолвераси, зилзила-бардошлик меъёрида эмаслиги қатор муам-моларни келтириб чиқаради.

Булар шунчаки эскирган иншоотлар эмас, балки давлатнинг эътиборини тўлиқ сафарбар этишга қачирув ишораси эди. Мақсад — инсон-лар учун муносиб, қулай ва фаровон шароит яра-тиш. Зеро, янги Ўзбекистондаги барча ислохот-лар замрида инсон шанъи, қадр-қимматини таъминлаш, ҳар бир фуқаро учун қулай шароит яратиш мақсади муҳассам.

Шу боис, мамлакатимизда бу йўналишга алоҳида эътибор қаратилиб, қўллаб иктимой лойиҳа ва дастурлар ҳаёта тағтиб этилмоқда. Шаҳарлар ва аҳоли пунктларининг тез суьратларда ўсиши, аввалги турар жой фони эскириши туфайли реновацияни амалга оши-риш давлатнинг шаҳарсозлик сиёсатидаги энг муҳим вазифаларидан биридир. Бу фақат эски биноларни янги қурилганларига алмаштириш эмас, балки бутун шаҳар муҳити, инфратузил-мани, жамоат жойлари ва муҳандислик тар-мокларини кенг қамровли модернизация қи-лишга қаратилган инсонларпар сиёсатдир.

Вақт ва илгор халқаро тажриба кўрсатади-ки, самарали реновация аҳоли учун ҳаёт си-фатини ошириш, қулай, хавфсиз ва барқарор турмуш муҳитини шакллантиришга хизмат қилади. Бу йўналишдаги тизимли чора-тад-

бирларни амалга оширишга алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Зеро, аҳолини замонавий талабларга жа-воб берадиган турар жойлар билан таъминлаш жуда муҳим ва долзарб масалалар сирасидан. Сўнгги саккиз йилда мамлакатимиз аҳолиси сони олти миллионга кўпайди. Бу давр мобай-нида қарийб ярим миллион турар жой биноси қурилиб, фойдаланишга топширилди. Жумла-дан, биргина ўтган йилнинг ўзига 100 мингта хонадондан иборат кўп қаватли уй барпо этил-ди. Жорий йилда эса бу кўрсаткич янада оши-рилиб, 130 мингдан ортиқ кўп қаватли уй қури-лиши режалаштирилган.

Яқин йиллар ичида мамлакатимиз аҳоли-си сони 40 миллионга етади. Шундай ўсиш суьратлари давом этса, мутахассислар бу йили 140-150 мингта янги хонадонга ҳэтиёқ туғилиши мумкинлигини таъкидламоқда.

Бу муаммони самарали ҳал этишга ренова-ция дастури ёрдам беради. Чунки мамлакатим-изда айни пайтда 17 мингта яқин эски, икки ва уч қаватли турар жой биноси мавжуд. Агар бу жойларда замонавий 7-9 қаватли бинолар қурилса, яхши шароитда уч баробар кўп аҳоли истиқомат қилиши мумкин.

Энг муҳими, реновацияга қамраб олинган ҳудудларнинг иқтисодий салоҳияти ҳам орта-ди. Янги биноларнинг биринчи қаватларида савдо шохобчалари, хизмат кўрсатиш объект-лари ва кичик ишлаб чиқариш цехлари жой-лаштирилади. Натижада минглаб оилаларнинг ҳаёт сифати яхшиланади.

Айни мақсадда “Ўзбекистон — 2030” стра-тетиясини “Атроф-муҳитни асраш ва — яшил иқтисодиёт” йилида амалга оширишга оид давлат дастурида жорий йилда 135 минг хона-донли кўп қаватли уй-жойлар қуриши ва “Янги

Ўзбекистон” массивлари сонини 55 тага еткази-ш, уй-жой қурилиши ва ипотека дастурини ишлаб чиқишда “Янги Ўзбекистон” ва бошқа массивларни шаҳарлар ҳамда уларга туташ ҳу-дудларда жойлаштириш белгиланган.

Жорий йил 9 апрель кунин Президентимиз шаҳарсозлик реновациясининг ҳуқуқий асосла-рини белгилаш бўйича тақлифлар тақдимоти билан танилиш чоғида, биринчи навбатда, аҳо-ли манфаатларини ҳимоя қилиб, мавзуга адолат билан ёндашиш масаласини алоҳида таъкидла-ган эди.

14 май кунин Тошкент шаҳрида режалашти-рилган реновация ва инвестиция лойиҳалари тақдимотида давлатимиз раҳбарига бу бора-даги режалар ҳақида ахборот берилди. Қайд этилганидек, бош режада 300 дан ортиқ рено-вация манзили белгиланган. 2025-2026 йил-ларга мўлжалланган биринчи босқичда 65 та лойиҳани амалга ошириш режалаштирилган. Бу орқали мазкур ҳудудлар функционал жиҳат-дан бойитилади, аҳоли учун шароит яхшила-нади, атроф ободонлаштирилади. Натижада эски ва замонавий мавзелар орасидаги тафовут босқичма-босқич қисқартириб борилади ҳамда улар ўзаро уйғунлаштирилади. Бинолар кам майдонда қурилиб, мавжуд дарахтлар сақлаб қоллинади, янги яшил ҳудудлар барпо этилади.

— Президентимиз “Toshkentboshplan.LITI”-га ташриф бўюриб, бош режада белгиланган вазифалар ижроси билан танишди, — дейди Қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги ва-зирлиги бошқарма бошлиги Азизхон Усмо-нов. — Вазирлар Маҳкамасининг 2024 йил 24 декабрдаги қарори билан Тошкент шаҳрининг 2045 йилгача бўлган даврга мўлжалланган бош режаси тасдиқланган. Унга кўра, пойтахтимиз ҳудуди 3 та — консервация, реконструкция ва

реновация зоналарига ажратилган. Жумладан, реновация зонасига эски, кам қаватли уйлар, шаҳарсозлик ва зилзилабардодлилик талабла-рига жавоб берайдиган бинолар киритилган. Улар босқичма-босқич бартарф этилиб, бў-шатилган ҳудуд замонавий лойиҳалар асосида қайтадан қурилиши кўзда тутилган.

Давлатимиз раҳбари бу лойиҳаларнинг шаҳар архитектураси ва инфратузилмаси-га мослигини чўқур ўрганиш, геологик ва сейсмик таҳлиллар асосида хавфсизлик жиҳа-тидан такомиллаштириш бўйича кўрсатмалар берди. Турар жойлар мактаб, боғча каби ижти-моий муассасалар, дам олиш шароитлари бил-лан ҳамояҳан бўлиши зарурлигини таъкидлади.

Жорий йилги давлат дастурида 2025 йил-дан бошлаб шакллантириладиган инвестиция дастурлари, тармок, соҳалар ва ҳудудларни ривожлантириш бўйича янги лойиҳаларнинг 15 фоизига, 2027 йилдан бошлаб 30 фоизига, 2030 йилдан бошлаб 55 фоизига “яшил компо-нентлар” бўлиши лозимлиги белгиланган.

Шаҳарнинг “ўпкаси” дарахтзорлар бўлса, ариқ ва каналлар унинг “кон томирин”. Президен-тимиз кўрсатмаси билан янги бош режада бу ма-салаларга алоҳида эътибор қаратилган. Жумла-дан, Тошкент шаҳри ва унинг атрофидаги яшил ҳудудларни 3 қарра кўпайтириб, 25 минг гектарга етказиш мақсад қилинган. Бу, ўз навбатида, сув йўллари яхшилашни талаб этади.

Тақдимотда шаҳар ирригация ва дренаж тармокларининг янги бош режа билан уйғун-лаштирилган тизими ҳам қўриб чиқилди. Унга кўра, 2030 йилгача 100 километр канал рекон-струкция қилиниб, атрофида сайилгоҳлар таш-кил этилади. Туркия компанияси билан бирга дренаж тармокларига муаммолар ўрганил-ган. Аэрофото, геодезия ва ёгингарчилик таҳ-лили асосида бу тармокларни янгилаш бўйича мастер-режа ишлаб чиқилган. Ўтган йили 45 та сув тошқини ҳудуди бартарф этилган. Бу йил яна 34 та жойда шундай ишлар бажарилади.

— Давлатимиз раҳбарига Тошкент шаҳрида инвестиция лойиҳаларининг ҳолати ҳақида ах-борот берилди, — дейди Тошкент шаҳри ҳоки-ми ўринбосари Шароф Раҳмонов. — Пойтахти-мизда умумий қиймати 25 миллиард долларлик 717 та инвестиция лойиҳаси шакллантирилган. Жорий йилда шундан 7 миллиард 500 миллион доллари ўзлаштирилиб, 265 та лойиҳа ишга туширилиши кўзда тутилган. Натижада турар жойлар, савдо ва кўнгилочар мажмуалар қу-рилиб, саноат корхоналари ташкил этилади ва минглаб янги иш ўринлари очилди.

Ҳар бир лойиҳанин “йўл харитаси” ишлаб чиқилган. Жумладан, жорий йилнинг ўтган даврида бир миллиард доллардан зиёд хори-жий инвестиция ўзлаштирилди. Энг асосийси, мазкур лойиҳалар амалга оширилиши нати-жасида йил якунида 60 мингта янги иш ўрни яратилади.

Л. ХАЙРУЛЛАЕВ,
журналист



www.yuz.uz



yuz.uznews



yuz_official



yuz.uz_news



yuz



1 июнь — Халқаро болаларни ҳимоя қилиш куни

Бунга анча йил бўлди. Одамлар орасида турли мишмиш оралаб қолди. Айтишларича, Жийнов қишлоғи марказида ҳашаматли болалар мусиқа ва санъат мактаби қурилармиш. Биров ишонди, биров ишонмади. Кўп ўтмай, қурилиш ишлари бошлаб юборилди. Шундагина қишлоқ одамлари мишмиш ҳақиқат эканини англади. Лекин “Бундай мусиқа ва санъат мактаби қишлоқ учун нега керак экан?” дея бош қотирганлар ҳам бўлди. Анча маблағ сарфланиб, бунёд этилаётган мактаб бўш қолиб кетишидан хавотирга тушганлар ҳам учради. Санъатдан бир оз хабари бор кексалар бундан фақат мамнун бўлди. Бунёдкорликни олқишлади. Улар Тожиддин Муродовдек ҳофизлар етишиб чиққан бу манзилдан унинг издошлари чиқишига шубҳа қилмасди.



ЭРТАМИЗ ЭГАЛАРИНИНГ БУГУНГИ ОДИМЛАРИ

Икки қаватли қилиб барпо этилган ши-намгина санъат мактаби биноси қишлоқ кўрғига кўрк қўшди. Энди Миришкор ту-манининг олис Жийнов қишлоғи ёшлари ҳам санъат сирларидан бохабар бўлишига имконият яратилганди. Буни мутахассислар ҳам эътироф этди. Аммо янги иш бошлаган мактабдаги санъат йўналиши тўғрақларига ҳудуд болалари негадир қизиқиш билдир-масди. Шундай пайтда аввал башоратчилик қилган айримлар тилга кирди. “Бошида айт-гандим. Бекорга давлатнинг катта пули сарф-ланиб, мактаб қурилди. Энди бўш ётади. Аслида, керак эмас эди”, дея ўз сўзини маъ-қуллатишга тушди. Бунга баъзилар ишон-гандек ҳам бўлди.



Орадан беш-олти кун ўтмай, янги маскан-га болалар кела бошлади. Аввалига уч-тўрт ўғил-қиз келган бўлса, орадан бир оз вақт ўтти, улар сафи кенгайиб борди. Энди ҳар ким ўз қизиқишига қараб чоғу асоблари чалишни ўрганадиган бўлди. Шогирдлари кўпаяётганидан мамнун ўстозлар бор меҳри-ни бериб машғулларни бошлаб юборди.

Исломбек Мухаммадиев ҳам шу қиш-лоқда тутилган. У энди гапирганини ўрганган

пайтлариданоқ кўшиқ хиргойи қилишни ёқтирарди. Бу иқтидорини вақтида анлаган ота-онаси Исломбекни кўпроқ қўллаб-қув-ватлайдиган бўлди. У саккиз ёшидан бошлаб қишлоқдаги болалар мусиқа ва санъат мак-табига қатъий бошлади. Тенгдошлари қато-ри тўғаракка аъзо бўлиб, санъат сирларини ўрганишга киришди. Ажабланарли жиҳати, у бошқа тенгдошларидан фарқли равишда маком йўналиши бўйича билимини оши-ришга аҳд қилди. Ўстозлари кўмағида уда-сидан чиқишга интилди. Вақт ўтиши билан боланинг тажрибаси ортиб борди. Кейинча-лик туман, вилоят миқёсида ўтказилган тан-ловларда иштирок этиб, фахрли ўринларни қўлга киритди.

Бир куни телевизорда ёш мақомчилар қато-ри миришкорлик Исломбек Мухаммадиев ҳам чиқиб, чиройли овози билан барчаннинг ҳавасини келтириб қўйлади. Уни кўрган кўп-чилик қишлоқдошлари фахрланди. Айниқса, бир пайтлар мусиқа ва санъат мактаби беҳу-да қурилгани ҳақида таҳмин қилганлар ҳай-ратдан ёқа ушлаб қолди. Олдийгина қишлоқ боласи турли танловларда иштирок этиб, ой-наи жаҳонда қўйлаб тургани киши ҳавасини келтирмай иложи йўқ.

— Санъат сари етаклаган илк усто-зим бобом бўлади, — дейди Исломбек. — Бобомнинг мумтоз санъатимизга ҳаваси жуда юқори. Мақомга қизиқишимни кўриб роса қувонган. Шунинг учун ўзи мактабга етаклаб олиб борган. Ҳар доим билганини менга ўргатарди. Юқори натижаларга эриш-сам, рағбатлантириб турарди. Ютуқларим ҳам кам эмас. Республика миқёсида ўтказил-ган танловларда юқори ўринларни эгаллаб келяпман. Келгусида катта ҳофиз бўлиб, эл хизматида бўлиш орузм бор.

Айни пайтда 14 ёшга қадам қўйган Исло-мбек қишлоқдаги имкониятлардан унумли фойдаланиб, ўзи айтганидек, юқори натижа-ларни қўлга киритиб келмоқда. Жумладан, ўтган йили Қорақалғистонда ўтказилган

“Бўзатов ФЕСТ” Ёшлар овози танловида иштирок этиб, анъанавий ижрочилик йўна-лишида 2-ўринни эгаллади. Бундан ташқари, 2024/2025 ўқув йилида Қашқадарё вилояти ҳокими стипендияси совриндорлари қатори-дан жой олди. У ҳали ютуқлари олдинда экани боис, ҳеч қачон илм олишдан, интилишдан тўхтамаслигини таъкидлайди. Бу эса келажак учун сарфланган сармоа аллақачон самара бе-раётганини англатади.



Феруза Жўрақулова Қарши шаҳрида-ги Боғишамоил маҳалласида яшайди. Айни пайтда 13 ёшда. Мактабдаги фаол ўқувчи-лардан. Бундан ташқари, қатор билимий бо-лаларга бошчилик қилиб, турли танловларда иштирок этишни яхши қўради. У ахборот технологиялари бўйича таълим олиб, гра-фик-дизайнерлик билан шуғулланади. Қў-шимча янги лойиҳаларни амалга ошириши эвазига ойига 10 миллион сўмга яқин даро-мад топади.

— Ахборот технологиялариға қизиқи-шим баладд. Шунинг учун соҳада били-миним ошириб, ҳозир интернет орқали хизмат кўрсатувчи ташкилотда ишлаяпман, — дейди иқтидорли қиз. — Яхши маош

тўланади. Энг муҳими, ишим билим оли-шимга, қўшимча дарсларда иштирок эти-шимга умуман ҳалал бермайди. Аксинча, соҳадаги тажрибамни янада ошириб, ўзим учун керакли адабиётлар харид қилишим мумкин. Бундан ташқари, график-дизай-нерлик йўналишидаги лойиҳаларим ҳам ишга туширилган. Бундан ҳам даромад то-паман. Шу билан оиламизга нафим тегаёт-ганидан мамнунман.

Бўш вақт тоғди дегунча китоб мутлоаси билан машғул бўладиган ёш дизайнер зако-ватчи ёшлар ўртасида ўтказиладиган тан-ловларда жамоаси билан бирга вилоятда би-ринчиликини қўлдан бой бермай келмоқда. У Ўзбекистон Болалар ташкилоти Қашқадарё вилояти бўлими ҳузурида ташкил этилган “Заковат” йўналиши сардори. Шу билан бир-га, мамлакат миқёсида ўтказилган билимлар беллашувида ҳам илғорлар сафидан жой ол-ган. У келгусида билимини янада ошириб, Зулфия номидаги давлат мукофотини қўлга киритишни мақсад қилган. Шунингдек, ах-борот технологиялари йўналишида етакчи тадбиркорлар қаторидан ўрин олиш орзуси-да.

Севинч Икромова 7 ёшидан спорт би-лан шуғулланиб келади. У эғнияга спорт кийимини кийганида улкан мақсадларни кўзлаган. Қаратё машғулотларида иштирок этиб, ўстозлари меҳрини қозонишга ҳара-кат қилди. Тажрибаси ортиб боргани сари мусобақаларда ҳам яхши кўрсаткичларга эришди. Дастлаб вилоят мусобақасида шоҳ-супага кўтарилганида ғолиблик нашидасини ҳис этди. Шундан сўнг мамлакат биринчили-кларида пешқадам бўлишга ҳаракат қилди. Натигада икки марта Ўзбекистон чемпиони-лигини қўлга киритди. Шундан сўнг ўстоз-лари уни Осиё чемпионатида омадини синаб кўришга таклиф этди. Нуфузли мусобақада куч синашишининг ўзи бўлмади. Бир оз ҳая-жон билан татағима чиққан Севинч даст-лабки рақибини мағлубиятга учратганидан

сўнггина кўркувни енгишга эришди. Шун-дан кейин дадил юришлари билан финалга қадар етиб борди. Якуний баҳсда хорижлик рақибини мағлубиятга учратиб, Осиё чемпи-они бўлди.

— Яқиндан бошлаб таэквондо билан шуғулулана бошладим, — дейди Севинч. — Бу спорт тури олимпия ўйинлари дастурига кири-тилган. Демак, келгусида олимпиада баҳс-ларида юртимиз шарафини ҳимоя қилишга им-коним бўлади. Ҳозирдан тайёргарлик кўриб



борсам, албатта, жаҳон майдонида юртимиз байроғини баладд кўтараман. Бунинг учун менда барча имконият мавжуд. Фақат жиддий ҳозирлик кўриб борсам бўлгани.

Севинч Икромова спорт машғулотлари-дан ташқари Ўзбекистон Болалар ташкило-ти Қашқадарё вилояти бўлими ҳузуридаги “Ватан таянчи” йўналиши сардорлигини ҳам бажариб келади. Турк, рус, инглиз ва француз тилларини яхши билади. У ҳар бир ишга ўз вақтида улгуриш учун имкон топа олиш энг биринчи қоида эканини доим таъкидлаб, тенгдошларини ҳам тил ўрганишга чорлайди.

— Вилотимиздаги 1246 та мактабда болалар ҳаракати фаолиятини йўлга қўйиш учун “сардорлар сайлови” ўтказилди. Шу орқали 43 минг 578 сардор сайланиб, улар-нинг гуруҳи шакллантирилди, — дейди Ўзбекистон Болалар ташкилоти Қашқадарё вилояти бўлими раҳбари Дилфуза Эшмуро-дова. — Жумладан, ёшларнинг 19 минг 666 нафари “синф сардори”, 23 минг 674 нафа-ри” мактаб сардори”, 224 нафари “маҳаллий сардор”, 14 нафари “ҳудудий сардор” сифа-тида сайланди.

“Болалар ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилиш, келажакда ижтимоий фаол бўлиб етишиши учун ҳар бир синфда “синф сардори” фаолияти йўлга қўйилган. Ўтган йили вилоятдаги 1246 та мактабда болалар ҳаракати синф сардорлари фаолият бошлади. Ҳозир синфлардаги болалар ҳаракати сардорлари ўз тенгдошларига намуна бўлиб, ўзлаштириш паст синфдошларига билимини мустаҳкамлашга кўмаклашмоқда. Шу мақсадда “Бирлашайлик, тенгдошлар” лойиҳаси остида намунали фаолият юритмоқда.

Лойиҳа доирасида сардорлар жуфт кун-лари тенгдошлари ўртасида келиб чиқаётган келишмовчиликларни ҳал этиш, дарсларни пухта ўзлаштириш, табиатни асраш, ёши улугларга ва миллий қадриятларимизга ҳурматни кучайтириш ва бошқа бир қанча муаммоларни муҳокама қилиш орқали тенгдош — тенгдошга тамоилии асосида давра суҳбатлари ташкил этиб келмоқда.

Мактаб сардорлари сардорлигининг илк кунидан бошлаб “Биз — ёш экологлар”, “Илм-маърифат элчилари”, “Болалар кар-вони”, “Биз спортни танлаймиз” каби лойи-ҳаларни ўз мактабда амалга оширишни бошлаб юборди. Умумий ҳисобда мазкур лойиҳаларда кўп сонли болалар қамраб олинди.

Бундан ташқари, Ёшлар ишлари агент-лигининг “Ибрат фарзандлари” лойиҳаси орқали 400 мингга яқин ёш “Ibrat Academy” мобил иловаси орқали хорижий тилларни ўрганмоқда. Уларнинг 10 мингга яқини бу-гунга қадар тил билиш сертификатини қўлга киритган.

Акбар РАҲМОНОВ,
“Янги Ўзбекистон” муҳбири



Ёшларга оид давлат сиёсати — амалда

2005 йилнинг кеч кузи эди. Термизни тирамоҳ совуғи ўз забтига олган, нафақат об-ҳаво, балки шаҳар тугуруқхонаси ҳовлисида тик оёқда турган икки-уч чоғли аёлнинг ҳам кайфияти тунд, тушкун эди. Сабаби, она фарзандини дунёга келтирди-ю, вафот этди. Қариндош-уруғ марҳум билан овора бўлиб қолиб, гўдакни унуттишди. Айримларда эса эндигина туғилган қизалоқ онасиз яшаб кетолмайдиган деган ҳадик ҳам бор эди.



Ўша пайтлар ҳозиргидек замонавий ша-ронгта эга бўлмаган шишфохонада совуқда дийдираб юрган шишфокорлар марҳумнинг узоқ қариндоши ва етим қолган жажжи қи-залоқ тақдирига қизиқаётган болажон аёл, 9 фарзанднинг онаси Ойдин Йўлдошева келганини эшитиб, унинг меҳрли қўлларига топширишди-ю, чуқур тин олишди.

Она етим қолган бола бегона қўлларда қолиб ҳўрланмасин деб иссиқ бағрига олди. Қизалоққа Дилфуза деб исм қўйишди. Дилфуза Сафарова Термиз шаҳридаги 7-ўрта таълим мактабида таҳсил олди. У улгайгани сари тутинган онасининг дарду ташвишля-ри ортиб борди. Гарчи мактабда ўқитувчи бўлса-да, маош кам ва устоз-мурабийларга эътибор ҳаминкадар бўлган. Чунки бир этак боланинг ҳаммасини уйли-жойли қилиш, ҳа-ётда ўрнини топишига кўмаклашиш қийин-чилик туғдирадиган бир маҳаллар эди.

Кейин давлатда катта ишқоллар бошланиб кетди. Энди фақат меҳрли оилаларгина эмас, уларнинг бош таяничи бўлиб давлат ҳам кўнгли ўқсиқ болаларга меҳр-саҳават, бағрикенглик ва инсонийлик фазилатларини кўрсата бошлади.

Мактаб ўқувчиси бўлган Дилфуза Сафа-ровани йўқлаб келадиган, эътибор қаратади-ган масъул ташкилотлар ва давлат ҳодимлари

қўпайди. Она Ойдин Йўлдошеванинг кўнгли тинчланди. Чунки энди етим боласи Дилфу-зани йўқлайдиган ғамхўр ва меҳрибон дав-лати бор. Шундай кунларнинг бирида Ойдин опа чин дунёга кетди.

Дилфуза Сафарова чин етимлиги сабаб имтиёз ва давлат гранти асосида Термиз дав-лат университетига ўқишга қабул қилинди. Айни пайтда олийгоҳнинг филология ва тил-ларни ўқитиш факультетининг иқтидорли талабаси.

— Доимо давлатимизнинг ёрдами кўнглим-ни тоғдек кўтарарди. Тўққан онамни эсломлай-ман, тутинган онам ҳам вафот этганидан сўнг асосий суянчим давлатим бўлди. Олий таъ-лимга имтиёз асосида қабул қилиндим. Менга доимий ижтимоий кўмаклар бериб келиш-моқда. Зарур жиҳозлар, жумладан, ноутбук ҳам беришди, — дейди Дилфуза Сафарова. — Воёга етганимдан сўнг ҳаётимдаги энг қу-вончли воқеани ҳада этди давлатим менга. Чин етимлигим инобатга олинди, Термиз шаҳри-дан бир хонали уй берилди. Биласизми, онам тирикчилигида болаларча майда масалаларда ҳам йиллаганимда “мен бор эканман, йиллама, мен борман-ку”, дерди. Энди сира йилламай-ман, сабаби, онам сингари мени йилғамаслик-ка чорлайдиган давлатим бор.

Дилфуза Сафарова келажакда ўқитувчи бўлмоқчи. Давлатдан, меҳрли қўллардан сув ичиб сўғорилган қалбда жой олган эзулиқларини энди минглаб болажонларга улашмоқчи. Бугунги кунда Дилфуза синга-ри давлатнинг ғамхўрлиги ортидан ҳаётига нур кирган ёшлар, болажонлар сони жуда кўп.

Кейинги йилларда биринчи ўринда но-гиронлиги бўлган, чин етим талабалар, кам таъминланган она фарзандлари олий таъ-лим олишига имконият яратилмоқда. Мисол учун, ногиронлиги бўлган талабалар учун умумий қавотдан икки фойз ўрин ажратил-моқда. ОТМларга киришда уларга алоҳида танлов амалга ошириляпти. Чин етимлар ҳам давлат ҳисобидан ўқитиляпти. Дилфуза сингари мингга яқин чин етим ўқишга қабул қилиниб ва улар тўлиқ давлат ҳисобидан ўқитилмоқда.

Юртимизда кейинги йилларда болаларга уйда якка тартибда таълим беришга доир нор-матив-ҳуқуқий ҳужжатлар ҳам ишлаб чиқи-либ, улар орқали уйда таълим олишга эҳтиё-жи бор ўқувчилар қўллаб-қувватланмоқда. Президентимизнинг 2021 йил 9 августдаги

“Уйда якка тартибда таълим беришда ўқувчиларнинг таълим стандартлари ҳамда улар асосида ишлаб чиқилган махсус талабаларга мувофиқ билим олишини таъминлаш, баркамол ва маънан соғлом шахсни воёга етказиш, таълим жараёнида ўқувчиларнинг соғлигини ҳимояловчи дарс жадвалига риоя этилишини таъминлаш асосий вазифалардан бири этиб белгиланган.

қарори етим болалар ва ота-она қарамоғидан маҳрум бўлган болаларнинг ҳуқуқ ва эркин-ликларини рўёбга чиқариш, ижтимоий ҳимоя-сини кучайтириш, уларни давлат томонидан қўллаб-қувватлаш механизмларини янада та-комиллаштиришга хизмат қилди.

Шунингдек, давлатимиз раҳбарининг 2021 йил 21 декабрдаги “Ногиронлиги бўлган шахсларни ҳар томонлама қўл-лаб-қувватлаш, уларнинг бандлигига кўмак-лашиш ҳамда ижтимоий фаоллигини янада

оширишга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги қарорига асосан, имконияти чекланган болаларга кўрсатиладиган таълим хизматлари сифатини яхшилаш таълим соҳа-сини ривожлантиришининг устувор йўналиш-ларидан бири этиб белгиланган.

Уйда якка тартибда таълим олган ўқувчи-лар сони республикамизда 20 минга яқинни ташкил этади. Уларга таълим бериш учун 40 мингдан ортиқ ўқитувчи жалб этилган.



Термизлик Фаррух Амиркулов Сурхон воҳаси марказидаги 20-умумий ўрта таълим мактабида таҳсил олади. Саломатлигида жиддий муаммоси борлиги сабаб у тенгқу-рлари сингари мактабга бормолмади. Лекин ўқишга қизиқди, математика фанини яхши кўради. Жисмоний ҳаракатлари чекланган бўлса-да, иродаси бақувватлигидан оғир атлетика билан шуғулланиб келади. Бўш вақтида китоб ўқийди, онаси билан дарс тай-ёрлайди.

— Аналар болаларининг имкониятлари-ни оширишга кўп вақт ва куч сарфлашарди. Фарзандлари тақдирларини ўзгартариш ёки уларни жамиятнинг фаол аъзосига айланти-риш кўпинча оналарнинг иштиёқи ва фидойи-лиги билан боғлиқ бўларди. Фаррухда ҳам шундай бўлди, унга онаси куч берди, мадад берди. Давлат эса энди унга чинакам суянчага айланди. Яхши таълим олиши учун ўқитув-чилар бириктирилди. Ижтимоий ҳодимлар доимий ҳолидан хабар олиб, мактабдаги янги-ликларни тўлиб-тошиб гапирадиган синфдош ўртоқларига ҳавас кўзи билан қарайди.

Асилбек билан олиб борилаётган машғу-лотларга қараб айтиш мумкинки, таълимни



индивидуаллаштириш, уларнинг қобили-ятларига мос равишда яратилган ўқитиш усулларига ва техникаси келажак эгаларининг мустақил ва ижодий фикрлашини ривожлан-тиради. Бундан ташқари, болаларнинг ўзи-ни тутишини яхшилаш, ишончини ошириш ва ижтимоий интеграциясини таъминлашга ҳам катта таъсир кўрсатади.

Муслимбек Муллажонов эса ҳозир Тер-миз шаҳридаги 6-мактабнинг 8-синфда ўқийди. Унда сребрал фалажлик кузатил-гани боис, дарс машғулотлари уйда ташкил этилган. Жараёнлар дарс жадвали асосида ўтказилади. Муслимбек тарих ва адабиёт фанига жуда қизиқди. Ўзига бириктирил-ган ўқитувчиларининг дарсга келишига ҳар икки фандан қатор саволларни ҳам тайёрлаб

қўяди. Шеъриятга, адабиётга қизиқиши ту-файли ўзи ёзган ижод намуналарини маҳал-лий ва марказий газета-журналларда ҳам чоп эттириб келмоқда.

— Унда ўзига хос ижодкорликни сезган-ман, шу боис, кўпроқ ижод қилишга чорлая-нимиз. Яқинда шогирдимнинг шешар ва ҳикоялар тўпламини чоп эттирмоқчимиз. Унинг ёзганла-рини ўқиб, авваллари тушунганингини анлаган бўлсам, бугунги кунда ҳушудлигини сезаман, — дейди она тили ва адабиёт фани ўқитувчиси Гулчирои Мухаммадова. — Агар инсон, ўқи-тувчи, давлат болаларнинг юрагини, ҳиссёт-ларини ва орзуларини тушуנסа, муаммоларни биргаликда енгса, шундай болалар кўпича янгиликлар ва кашфиётларга қўй уради. Имо-нияти чекланган болалар учун меҳр, эътибор ва ғамхўрлик кўрсатиш билан Муслимбекдек болаларнинг кўнгли ўсади, келажаги эса ёруғ бўлади.

— Ҳозирги кунда Сурхондарё вилоятида ижтимоий ҳимоя ҳисобига олинган болалар сони 4480 нафарни ташкил этади. Шундан етим ва ота-она қарамоғидан маҳрум бўлган болалар 521 нафар. Воҳада оилавий болалар уйлари сони 24 та. Улардан 14 тасида 49 бола тарбияланаётган бўлса, 54 бола оилаларга тарбияга берилган, — дейди Ижтимоий ҳимоя агентлиги вилоят бошқармаси масъул ҳодими Миржалол Чоршанбиев.

Жаркўрган туманидаги 66-мактабнинг 9-синф ўқувчиси, тақдирининг синовида тоб-ланаётган Феруза ҳам ногиронлиги боис, тенгдошлари каби ҳаракатлана олмади. Бирок ўқиб-ўрганишда синфдошларидан қо-лишмади.

Илгари якка тартибда таълим олган қиза-лок 2 ойдан буён “Инклюзив таълим” дасту-ри асосида мактабда тенгдошлари билан бир сафда таҳсилни давом эттиряпти.

Ферузанинг онаси билан суҳбатлашгани-мизда, қизининг мактабга келиш улар учун янги имкониятлар эшигини очгани, Феруза энди орзулар қилиб, унга етишиш учун ин-тиллаётганини билдирди.

Уйда якка тартибда таълим беришда ўқувчиларнинг таълим стандартлари ҳамда улар асосида ишлаб чиқилган махсус талаб-ларга мувофиқ билим олишини таъминлаш, баркамол ва маънан соғлом шахсни воёга етказиш, таълим жараёнида ўқувчиларнинг соғлигини ҳимояловчи дарс жадвалига риоя этилишини таъминлаш асосий вазифалардан бири этиб белгиланган.

Юртимизда имконияти чекланган ёшлар-нинг таълим олиши, жамиятда ўз ўрнини топиши учун зарурий шароитлар яратиб бе-рилаётгани, ёшлар улардан оқилона фойда-ланиб, қатор ютуқларга эришиб келаяётгани бугунги ислохотларнинг амалдати натижа-сидир.

Сарвар ТўРАЕВ,
“Янги Ўзбекистон” муҳбири

Жамиятда гоявий бўшлиқ пайдо бўлиши маънавий қашшоқликка йўл очади. Маънавий қашшоқлик эса жаҳолат ва манкуртликни келтириб чиқаради. Атоқли киргиз адиби Чингиз Айтматовнинг “Асрга татигулик кун” романида манкурт асирга олинган, руҳсиз кул бўлиб, хўжайинига сўзсиз итоат қилувчи, хотирасидан маҳрум қилинган одам сифатида талкин этилган. “Манкурт” сўзи кўчма маънода ўз тарихи, насли, аждодларини унутган инсонга нисбатан ишлатилади.

Романда манкуртлик ҳодисаси ҳақида фикр юритилар экан, ундаги ривоятга кўра, қадим замонда жунгжанллар деган босқинчи халқ асир тушган жангчиларни ё кул қилишар, ёки ўзга ўлкаларга сотиб юборишаркан. Уларга нисбатан беҳад оғир жаза чораси асирнинг бошига териқалпоқ тортиш қийноғи бўлиб, одатда бундай жазага ёш асир йиғитлар маҳкум этиларкан.

Дастлаб банди қилинган асирнинг сочлари тақир қилиб қирилар, сўнг янги сўйилган туянинг бўйин терисидан тайёрланган қалпоқча унинг бошига қопланар экан. Албатта, бундай азобга гирифторм бўлган асир ё ўлиб кетар, ё бир умрга хотирасидан ажралиб, ўтмишини эслолмайдиган манкуртга айланади. Шу тарика инсоний кадр-қимматини фаҳмлай олмайдиган бундай махлуқлар фақат хўжайинга куллуқ қилиш, у бюрган топиширқларни сўзсиз бажаришдан бошқа нарсасга ярамас экан.

Ўз хотирасидан айрилган манкуртда ватан туйғуси йўқолиб, ҳурлик нималигини идрок этолмаслик ҳолатига тушиб қолади. Чингиз Айтматов: “Манкурт худди ит каби фақат эгасини танийди. Бошқалар билан иши йўқ”, дейди.

Бутун ўз келажакини ўйлаган ҳар бир давлат ва жамият учун, аввало, гоявий бўшлиқ пайдо бўлишига йўл қўймаслик, эскирган ақида ва бегона қарашларни инкор этиш билан бир қаторда илгор фикрлар, улуғвор эзгу мақсадлар ва бунёдкор гояларни инсонлар қалби ва онгига синдириш долзарб вазифага айланиб бормоқда. Ҳозир дунё жамоатчилигини ёшларнинг виртуал ўйинларга муккасидан кетиши ва унга тобе бўлиб қолиши жиддий ташвишга сояпти. Айниқса, ёшлар онгига турли усуллар билан таъсир этиш, қалбига ёвуз ва бузғунчи гояларни синдириш орқали уларни тўғри йўлдан оздиришни мақсад қилган айрим гаразли қучлар тобора кўпайиб бораётгани жуда хавотирлидир. Мазкур ҳолат оддий компьютер ўйинларидан тортиб, интернет сайтлари, ижтимоий тармоқлар, мобил алоқа дастурулари орқали ҳам амалга оширилмоқда.

Олимларнинг таъкидлашича, хаёлий оламда кўп вақт ўтказувчилар гипнозга берилувчан бўлади. Компьютер ўйинларини муайян мақсадлар асосида, кишини “зомбилаштириш”га хизмат қиладиган этиб дастурлаш эса мутахассислар учун мураккаб иш эмас. Ачинарли томони, бутун виртуал олам ёшлар ёки ўсмирларни фикрий қарам этиш орқали ўзига бўйсундириб, интернет кафени уларнинг “иккинчи уйи”га айлантириб бўлди.

Ўрганишлар қаратмоқдаки, онлайн ўйин ўйновчилар асосан, ўсмирлардир. Ўсмирлик



Мансур МУСАЕВ,
сиёсий фанлар доктори

шахснинг физиологик ва ижтимоий ривожланишида ўзига хос давр. Агар шу даврда ўғил ёки қиз агрессив руҳдаги онлайн ўйинларга берилса, бу салбий оқибатларга олиб келиши мумкин. Компьютер экранидан турли тажовузорлик, зўравонлик ва фаҳшнинг оқибатдан очик кўрсатилиши болалар руҳияти, маънавиятига жиддий таъсир кўрсатади.

Замон шиддати инсон ҳаётида маънавиятнинг нақадар муҳим эканини кўрсатмоқда. Зеро, ахлоқсизлик, одобсизлик,

маънавий қашшоқлик инсонни тубанликка етаклаб, жамият тараққиётини издан чиқаради, парокандаликни юзага келтиради. Маънавият йўқолган жойда инсонда ҳайвоний хислатлар илдиз отиб, ёввойилик, ваҳшийлик, жаҳолат ва хурофот кучаяди.

Бирор халқни ўзига тобе қилишни истаганлар, аввало, уни ўзлиги, тарихи, маънавияти ва маданиятидан жудо қилган. Чунки маънавий жиҳатдан забот этилган халқнинг маданий-маънавий тараққиётини бўғиб қўйиш истилочиларнинг тарих синовидан ўтган аънавий усулларидан биридир.

Қадимги Хитой донишмандларидан бири императорига бундай маслаҳат берган экан: “Ҳоконим, агар бирор мамлакатни забот этиб, у ерда узоқ ҳукмронлик қилмоқчи бўлсангиз, даставвал ўша ерда яшаётган халқни ўз тарихи, маданиятидан маҳрум этинг, маънавий қашшоқликка учраган халқ уюшмайди, ички низолар гирдобига ўралашади, сизга қаршилик кўрсата олмайди. Бундай ҳолга келган халқни, мамлакатни идора қилиш осон кечади”.

Демак, маданият ва маънавияти барбод бўлган, миллий тил, урф-одати издан чиққан мамлакатда оммининг оломонлашуви, сиёсий манкуртлик, бепарволик авж олиши оқибатда халқда миллий гурур, ифтихор, қадриятлар аста-секин заифлаша бошлайди.

Мутахассисларнинг таъкидлашича, буғунги кунда ёт ва бузғунчи оқимлар бўлажак аъзосига тўрт босқичда таъсир кўрсатади. Биринчи босқичда қизиқтириш ва хушомад қилиб макташга алоҳида эътибор қаратилади. Хусусан, ҳаёт, ўлим, касаллик ҳақидаги мураккаб саволларга самимий суҳбат давомида оддий ва содда жавоблар бериш, замоннинг долзарб муаммоларини муҳокама қилиш, экология, коррупция, озоодлик каби тушунчаларга эътибор қаратиш, хушомад қилиш, “Сен келишган, ақлисан ва буюк



вазифаларни бажаришга лойиқсан” деган гаплар билан бўлажак аъзо қалби ва онги забот этилади.

Иккинчи босқичда танқидий фикрлаш қобилияти ва шахсий фазилатларини йўққа чиқариш, чарчоқ ҳолатига келтиришга эришиш, кўп соатлик иш, маърузалар, уйма-уй юриш ёки жамоат жойларига бориш, янги таълимот бўйича тинимсиз сабоқ бериш орқали аъзонинг нима қилаётгани ёки қандай яшаётгани ҳақида ўйлашга тўсқинлик қилуви шароитлар яратилади. У бир лаҳза ҳам ёлғиз қолдирилмайди, ўзи ҳақида барча нарсаси айтиб берилади ва таъво қилишга мажбур қилинади. Шунингдек, сўзлашмиш лугатига ўзгартириш киритиш орқали ундан илмий ёки диний жиҳатдан жиддий кўринадиган, аммо маъноси фақат гуруҳ ичида тушуниладиган нутқни ўрганиш талаб этилади.

Мазкур айёрона усул янги аъзони ташқи дунё билан барча алоқалардан маҳрум қилади ва у учун аввалги алоқалар аҳамиятсиз бўлиб қолади. Натижада биринчи босқичда берилган ваъдага қарама-қаршилик пайдо бўлади. Шу пайтда номзод учун учинчи босқич амалга оширилади. Бунда гуруҳга бўлган аъзолик ҳиссини кучайтириш ва ижтимоий ҳаётдан узилишни рағбатлантириш, ўқиниш ёки ишни ташлаш истagini пайдо қилиш, хорижга кетиш, ҳарбий тўқнашувларда қатнашиш, оила, дўстлар, жамоа билан муносабатларни узиш, ташқаридан келган ҳар қандай маълумотни шубҳали деб қабул қилиш тушунтирилади.

Мазкур босқичда гуруҳни танқид қилган ҳар қандай одам инсоният тараққиётига қарши хавфли шахс сифатида кўрсатилади. Улар билан учрашмаслик, уларга туҳмат уюштириш ёки иложи бўлса, судга бериш тавсия этилади. Басзида эса оила аъзолари илгари дуч келган ёки дуч келаётган барча қийинчиликлар учун улар жавобгар деб эълон қилинади. Мажбур турли динлар мутлақо “ёвуз қучлар”га тегишли экани, одамларни бахт сари фақат ўз раҳнамоси бошчилиги

даги гуруҳига олиб бориши мумкинлигига алоҳида ургу берилади. Шу билан бирга, гуруҳ аъзолари инсоният гуноҳларини ювишдек “саъоб” ишда иштирок эта олишларига ишонч ҳосил қилишганда, уларга бу каби буюк ишларни амалга оширишда сизларга жамоатчилик қарши чиқади, жамоатчиликнинг ўзига хос одатлари, ўз манфаатлари бор, улар сизга ишонмайди, сизни таъқиб қилиши ҳам мумкин деб тушунтирилади. Шу билан бўлажак номзод онгига сен доимо ҳақсан деган “гоя” сингдирилади.

Хуллас, ўта уддабуронлик билан келтирилган маъкур далиллар оқибатида гуруҳ аъзоси ташқи қаршиликка қанчалик кўп дуч келса, гуруҳга шунчалик чуқурроқ кириб кета бошлайди.

Шундан сўнг тўртинчи босқич амалга оширилади. Яъни номзодда олдинги ҳаётга қайтишга имкон қолмайди. Даромад манбаи мавжуд эмаслиги, молиявий қарамлик, ижтимоий қўллаб-қувватлаш ва бирор касбий тажриба йўқлиги қайтишни қийинлаштиради. Жойнинг тез-тез ўзгариб туриши эса гуруҳдан ташқаридаги дунё — оила, дўстлар, қариндошлар билан барқарор алоқа ўрнатишга тўсқинлик қилади.

Ташкилотда белгиланган қонун-қоидаларга кўра, унга никоҳ фақат гуруҳ ичида мумкин экани ва шу никоҳдан фарзандлар борлиги туфайли бир ўзи кета олмаслиги, кетишни истаса, бир вақтнинг ўзида барчаси кетиши кераклиги айтилади. Натижада қўрқув, қатъий интизом, ташқи дунёдан хавфсираш уни гуруҳда қолишга мажбур этади. Шу билан бирга, гуруҳдаги ҳар қандай босқичда бахт, эркинлик, шахсий бойлик, билим ваъда қилинади.

Ташкилотда бўлажак номзодни гуруҳга аъзо бўлишга қизиқтириш ва хушомад қилиш орқали макташ, танқидий фикрлаш қобилияти ва шахсий фазилатларини йўққа чиқариш, гуруҳга бўлган аъзолик ҳиссини кучайтириш ва ижтимоий ҳаётдан узилишни рағбатлантириш каби омиллар одамни зомбига айлантиради. Гуруҳ аъзоси ўз

“Абдулла Авлоний “Агар бир киши ёшлигида нафси бузилиб, тарбиясиз, ахлоқсиз бўлиб ўсдими, бундай кишилардан яхшилик кутмак ердан туриб юлдузларга қўл узатмак кабилдир. Дин ва эътиқоди саломат бўлмаган кишилар ҳақни ботилдан, фойдани зарардан, оқни қорадан, яхшини ёмондан айира олмас, бундай кишилардан на ўзига ва на бошқа кишиларга ва на миллатга тариқча фойда йўқдур”, деган эди.

раҳбарига тўлиқ бўйсунма бошлаган пайтдан бошлаб ўта хавфли шахсга айланади.

Бугунги кунда “манкурт” тушунчасига маъно жиҳатдан яқин бўлган “зомби” атмаси ҳам қўлланилади. Зомби бегона кимсанинг кучли уйқу дориси, гиёҳвандлик моддалари, онг ва фикрлашни хиралаштирувчи ёки бошқа таъсир этувчи воситалар ёрдамида бировнинг хоҳиш-иродасига сўзсиз бўйсунадиган, мустақил фикрлай олмайдиган, ўз фикрига эга бўлмаган кимсасга айланган шахс сифатида талқин этилади.

Ҳозирги кунда террорчи ва экстремистлар томонидан асосан, ёшлар, болалар ва аёллар террорчилар тайёрлайдиган лагерларда зомби бўлиб тайёрловдан ўтмоқда. Улар юрти, керак бўлса, ота-онасига қарши қурол кўтарипти.

Забот этилган мамлакатларни доимо итоатда ушлаб туриш учун уларни манкуртлаштириш ҳаракати азалдан мустамлақачи империяларнинг асосий қуроли бўлиб келганини юқорида қайд этдик.

Абдулла Авлоний “Агар бир киши ёшлигида нафси бузилиб, тарбиясиз, ахлоқсиз бўлиб ўсдими, бундай кишилардан яхшилик кутмак ердан туриб юлдузларга қўл узатмак кабилдир. Дин ва эътиқоди саломат бўлмаган кишилар ҳақни ботилдан, фойдани зарардан, оқни қорадан, яхшини ёмондан айира олмас, бундай кишилардан на ўзига ва на бошқа кишиларга ва на миллатга тариқча фойда йўқдур”, деган эди. Демак, қалби ва онги забот этилган инсон озоод фикрлашдан маҳрум бўлиш, мутеликни, кулликни курашсиз қабул қилиши, юрт тақдирига бефарқ қарашини барча юртдошларимиз теран англаши лозим.

Мулоҳаза

Яқинда бир ҳужжат излаб, бисогимдаги эски қоғозларни саралаётсам, қачонлардир иш столимга кўнралири қилиб осиб қўйганим — “Олтин қоида: олтини бор одам қоидаларни жорий қилади!” деган битикни топиб олдим. Бу одат ўспиринлик чоғимдан бор: кўнглимга ёққан бирор давлатни ўзимга ҳамроҳ қилмаман. Дастлаб “Қўрпангилма қарас оёқ узат” мақолини шпор қилиб олгандим. Ўйлаб қарасам, бу жуда пессимистик руҳдаги ақида экан. Кейин шу олтин мавзусини “олтин қоида” сифатида танлаган эдим. Ҳозир эса тепамада никтаб турадиган, ёшимга яраша бошқа тамойилларим бор. Бу ҳақида қуйироқда сўз юритамиз.

МАЪНАВИЯТНИНГ “ОЛТИН ҚОИДА”СИ

Ўша топилма баҳона бўлдию, айрим хотиралар ёдга тушди ва “олтин қоида” анламаси билан батафсилроқ танишиш истағи туғилди. Бир кун биздан 5-6 ёш каттароқ бўлган биллими, оғир-босиқ ва ҳазилкаш ҳамкасбимизнинг хонасига кирдим. Осиғанга кўп бўлмаган шекилли, деворда қоғозга рус тилида катта ҳарфлар билан ёзиб қўйилган битикка илк бор кўзим тушди: “Золотое правило: правило: устанавливает тот, у кого есть золото!”.

Ёзувга қараб турганимни қўриб, завқи келган ака гап қотди:

— Доно гап-а?

— Ўзингиз ўйлаб топдингизми?

— Бундай ақлли гапларнинг ҳаммаси бизгача ўйлаб топиб бўлинган. — дея файласуфона мушоҳада қилди акаимиз. — Бизнинг вазифамиз эса, бу жумалар мағзини чақиш ва маъқул келса, амал қилишдир.

Анча ёш эканманми, ярим ҳазил, ярим чин қабилда айтилган бу гаплар таъсирида мазкур олтин қоида ин ўзбекчага таржима қилиб олгандим. Вақт ўтиб, хонамга ака ҳам кириб қолди.

— Яхшимас, бу ҳикматнинг лицензияси менда-ку, ўзлаштириб олибсиз-да. Майли, ҳечкурса, ўзбекчага таржима қилибсиз-ку, —



деб жилмайди. — Лекин жудаям тўғри ақида эмас бу. Қамровни кентроқ олиш маъқулга ўхшайди.

— Масалан?

— Мисол учун, бунда кўпроқ моддиятга устуворлик берилган. Тўғри, бизнинг замонда

бу ҳам керак, лекин ҳаётда инсоний принцип деган ақида ҳам бор ва у бўлиши керак.

Шуларни эслар эканман, “Олтин қоида” нима?”, деган саволга бугунги қарашлар асосида жавоб изладим. Маълум бўлишича, дунёда кўплаб соҳа, йўналиш ва

туйғуларнинг ўз “олтин қоида”си бор экан. Оила, сиёсат, дўстлик, сегви, механика, математика, зироатчилик, этика, иқтисодиёт, маркетинг ва ҳоказо. Манбаларда “Олтин қоида — бу ахлоқий қоида бўлиб, инсонларни бир-бирига қандай муносабатда бўлиши кераклигини тавсифлайди”, дея таъриф берилган. Яъни у турли маданиятлар, динлар ва фалсафий тизимларда турлича ифодаланади, лекин асосий маъноси бир: “Ўзингга нима яхшилик истасанг, бошқаларга ҳам шундай муносабатда бўл”.

Кўриниб туридики, “олтин қоида” инсонлар ўртасидаги муносабатини яхшилайдиган, ҳар қандай жамиятда муҳим ва амалий бўлган ахлоқ мезонидир. Гап исботи (мисоли) билан бўлгани яхши. Дейлик, одам гавжум жойда, масалан, жамоат транспортда кимдир сизга туртилиб кетди. Бундан ранжиб, қўполликка жавобан сиз ҳам ҳеч бўлмаса жерик бирор сўз айтасиз. Шу ерда агар сиз тўғри “олтин қоида” измида бўлсангиз, “Бошқаларнинг туртки беришини

ёқтирмасанг, ўзинг ҳам ҳеч кимни туртма. Балки у беихтиёр қилгандир” деб босиклик қиласиз.

Ёки айни замонда урф бўлган ижтимоий тармоқдаги баҳсларни олайлик. Баъзан бошланган даҳанаки жангди кимдир сизни ҳақорат қилади. Бундай пайтда “олтин қоида”га кўра, сенга нисбатан ёмон гаплар ёқмас экан, ўзинг ҳам бировга ёмон гапларма, деб муомалани тўхтатиб қўясиз.

Ўйлаб кўрилса, буларнинг бари битта нуқтага келиб бириляпти. Юқорида айтилган оила, сиёсат, дўстлик, сегви, механика, математика, зироатчилик, этика, иқтисодиёт, маркетинг йиғиндиси “олтин қоида” бир неча сўзлар йиғиндиси воситасида ифодаланади. Фақат маънавиятнинг “олтин қоида”си биргина сўзда мужассам — одоб (тарбия). Демокчи бўлганимиз, буни жамик “олтин қоида”ларнинг мазмунини ақл этган “олтин қоида” дейиш мумкин. Ўша бугун узукун тепамада нуқтаб турадиган менга ҳамроҳ тамойил ҳам ана шу: Маънавиятнинг “олтин қоида”си — ОДОБ!

Нодир МАҲМУДОВ,
“Янги Ўзбекистон” муҳбири

“Янги Ўзбекистон” ва “Правда Востока”
газеталари тахририяти” ДМ

МУАССИС:
Ўзбекистон Республикаси
Вазирлар Маҳкамаси

Бош муҳаррир:
Салим ДОНИЁРОВ

Тахририятга келган қўлғималар тақриз қилинмайди ва муаллифга қайтариб берилади.
Газетанинг етказиб берилиши учун убунани расмийлаштирган ташкилот жавобгар.
Газета тахририят компьютер марказида сахифаланди.
Газетанинг полиграфик жиҳатдан сифатли чоп этилишига “ШАРҚ” НМАК масъул.
Босмахона телефони: (71) 233-11-07.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси ҳузуридаги
Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлиги
томонидан 2020 йил 13 январда 1047-рақам билан рўйхатга олинган.
Нашр индекси — 236. **Буюртма** Г-546.
36390 нусхада босилди.
Ҳажми — 3 табоқ. **Офсет** усулида босилган. **Қоғоз бичими** А2.
Баҳоси келишилган нархда.

“ШАРҚ” нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси
босмахонасида чоп этилди.
Босмахона манзили: Тошкент шаҳри, Буюк Турон кўчаси, 41-уй.

Навбатчи муҳаррир: Рисолат Мадиева
Мусахҳих: Маллоҳат Минғобоева
Дизайнер: Зафар Рўзиев

Манзилимиз:
100060, Тошкент шаҳри,
Шаҳрисабз кўчаси, 85-уй

Ўза яқуни — 22:30 Топширилди — 00:10